Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 98 (7238). ● 22 май, 1980 йил ◆ ● ПАЙШАНБА ● Баҳоси 2 тийин.

ҚУРТ МЕҲРГА ҚОНСА...

СЎЗ — МОҲИР ПИЛЛА ЧИЛАРГА

Ҳар йили ипак қурти боқиб, яхши кўрсаткичларга эришиб келяпман. Узоққа бормай, ўтган йилги иш якунлари ҳақида тўхталиб қўяқолай.

Унинг ўн беш йилликнинг тўртинчи йили колхозимиз пиллачилари учун улкан зафар йили бўлди. Давлатга пилла сотиш юзасидан белгиланган социалистик мажбурият шараф билан бажарилди. Колхоз бўйича ҳар қути қурт уруғидан ўртача 70 килограммдан ошириб «кумуш тола» етиштирилди.

Хўжалигимиз пиллакорларининг бу улкан ютуғига мен ҳам ўз ҳиссамни қўшдим. Бир қути қурт уруғидан қабул пунктига 100 килограмм сара пилла етказиб бердим.

Ҳамкасб дугоналарим кўпинча мендан «муттасил мўл пилла етиштиришингизнинг сири нимада», — деб сўрашади. Бунда ҳеч қандай сир йўқ, — деб жавоб бераман уларга. Ипак қуртини ардоқлаган, ундан меҳрини аямаган ҳар бир пиллачи мўлжалга етказиб ҳосил олаверади.

Бу йил колхозимиз пиллачилари катта марраки кўзлашяпти. Улар она-Ватанга 25 тонна «кумуш тола» армуғон этиш мажбуриятини олишган. Бу курашда мен ҳам фаол қатнашяпман. Ипак қурти уруғи тарқатилаётганда 1,5 қути қурт олиб, ҳар қутисидан 150 килограммдан пилла етиштираман, деб сўз бердим.

Ҳадемай, қисқа муддатли машаққатли меҳнатимизга якун ясалади. Колхозчиларимизнинг бу йил ҳам ўз ваъдаларини ёруғ юз билан бажаришларига шубҳа йўқ.

Мамлакат ЗОКИРОВА,
Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг пиллачиси.

ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Далаларда меҳнат авжида. Сабзаворкорларимиз эл дастурхонига эртаги маҳсулотларни кўпроқ етказиб бериш билан бирга ўртаги экинлар парваришини кучайтиришмоқдалар. Пиллакорлар енг шимаришган. Боғбон ва соҳибкорлар мўл-кўл мева етиштириш учун пухта замин яратмоқдалар.

Асосий бойлигимиз «оқ олтин» ишқи билан ёнаётган пахтакорларимизнинг ғайрат-шижоати, айниқса, ўзгача. Улар она-Ватанга ҳар йилгидек бу йил ҳам мўл «оқ олтин» ҳадя этишга бел боғлаганлар. Ана шу мақсадда улар қузу-қишнинг изғиринли кунларига бардош бердилар. Эрта баҳордан тараддудни кучайтирдилар. Ерни экишга тайёрлаш, техникани созлаш ишларини обн-тобида ўтказдилар. Механизатор кадрларнинг маҳорати оширилди, сафлари кенгайди. Айни кунларда далаларда бўлсангиз, қаторларда саф тортиб турган ғўза майсаларини кўриб, кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Деҳқоларимизнинг қаҳрамонона меҳнати, улкан тажрибалари, ишлаб чиқаришга жорий этилаётган кўплаб янгиликлар, илғор усулларнинг илк самараси бу.

Ҳосил кўчатдан олинади. Деҳқонларимиз буни яхши биладилар. Шунинг учун ҳам улар чигит униб чиққан дастлабки кунларданоқ ҳар туп ғўзани ардоқлаб, унинг атрофида парвона бўладилар. Қалб қўрларини бахшида этадилар. Гектарларнинг тўлиқ бўлиши, кўчатларнинг бут сақланиб қолиниши учун қурашадилар.

Лекин деҳқончиликда ҳамма вақт ҳам иш осон кўчавермайди. Ҳар йилнинг ўзига хос қийинчилиги, саҳоватн, фазилати бўлади. Тўғри, бу йил апрель ойининг бошлари экиш учун қоятда қулай келди. Ҳамма нарсани ўзаҳт қилиб қўйган пахтакорларимиз ғаниматдек фурсатдан омилкорлик билан фойдаланиб, экишни тез ва соз ўтказиб, чигитни асосан ернинг намига ундириб олдилар.

Бироқ, ойнинг охири ва май ойининг бошларида ҳавонинг авзойи бузилди. Ҳарорат бирдан пасайиб кетди. Ёғингарчилик бошланди. Жала, дўл ёғди. Қатқалоқ бўлди. Кўпгина районлар ва хўжаликларнинг ғўзаларига шикаст етказилди. Айниқса Янгийўл райони, хусусан бу ердаги «Интернационал», Калинин номли колхозлар табиий офатдан анча азият чекдилар. Лекин ҳар қандай офат билан олишувда катта тажриба тўпланган деҳқонларимиз бу гал ҳам жасорат, мардлик намуналарини кўрсатдилар. Хўжаликларда зудлик билан табиий офатга қарши курашувчи ва унинг оқибатларини тугатишга қаратилган тадбирлар белгилаб чиқиб, амалга оширувчи махсус комиссиялар тузилди. Оммавий сафарбарлик эълон қилинди. Мутахассислар картама-карта юриб, ҳар туп ниҳолни синчиклаб текширдилар.

Бу жиҳатдан Янгийўл районидаги **«Интернационал»** колхози пахтакорлари амалга оширган **ишлар ибратлидир.**

— Хўжалигимиздаги меҳнатга яроқли барча кишилар, техника восталари тўла сафарбар этилди, — дейди колхоз раиси Мухтазар Шукур ўғли, — биз салкам 100 гектар майдонга қайта чигит экишни лозим кўрдик. Ротацион мотигалар тўла ишга туширилиб, қатқалоқнинг олди олинди. Айрим жойларда кетмон чопиқ қилдик. Натижада 10—15 кун ичида кўчатларимизни бутлаб олдик. Бирянчи комплекс ишловни барвақт тугалладик. Культивация билан бир йўла экинни озиқлантиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ҳозир ғўзалар гуркираб ўсмоқда...

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Чиноз районидаги К. Маркс номли, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозлар, Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози ва бошқа қатор хўжаликларда ҳам ғўза парвариши айни кунларда рўй берган шароитни тўла ҳисобга олинган ҳолда олиб борилмоқда. Шунисн диққатга сазоворки, кўпчилик илғор хўжаликларда тажрибакор пахтакорлар, мутахассислардан иборат агротехника совети тузилган. Совет аъзолари график асосида иш олиб борадилар. Далама-дала юриб, карталардаги ғўзаларнинг аҳволини текшириб, бригадирлар, механизаторлар, сувчилар билан бақамти суҳбатлашиб, тегишли йўл-йўриқлар, маслаҳатлар бермоқдалар.

Афсуски, айрим хўжаликларда шундай қилинмаяпти. Ғўза парваришида техника имкониятлари, ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаяпти. Баъзи бир раҳбарлар, мутахассислар «бу йил чигитни барвақт экиб олдик, ғўзамизнинг ривожи ўтган йилда гидан анча яхши», деган кайфият билан хотиржам юрибдилар. Бундай хотиржамликка берилиш, беғамлик сўзсиз қимматга тушиши мумкин. Чунки деҳқончиликда об-ҳавонинг қандай келишини олдиндан аниқ айтиб бўлмайди. Пахтакор ҳар қандай қийинчиликларни енгишга доимо шай туриши керак.

Ҳар соати олтинга тенг дамларнинг қадрига етиш лозим. Мўл ҳосил етиштириб, элга берган ваъдани шараф билан бажаришга аҳд қилган деҳқон шу кунларда бой тажрибаси, билими, малакаси, маҳорати ва имкониятларини ишга солмоғи лозим. Ана шунда гектарларнинг тўла бўлиши, кўчатларнинг нормал қалинликда сақлаб қолиниши, ҳосилнинг эрта пишиб етилиши учун зарур шарт-шароит яратилади.

Ҳаво дам ноиб, дам совуб турибди. Культивациянн ҳар бир картадаги ғўзанинг ҳолати, тупроқ шароитига қараб олиб бориш лозим. Бу механизатордан алоҳида масъулият талаб этади. Ишни бошлашдан олдин техникани пухта созлаш, ишчи органларининг тўла ўрнатилишини таъминлаш лозим. Культивация чуқур ва сифатли ўтказилиши керак. Илғор хўжаликлар сифатли иш бажарган механизаторларга рағбатлантирилган ҳақ тўлаб, жуда тўғри иш қилмоқдалар. Бу тажрибани кенг оммалаштириш керак. Культивацияни озиқлантириш билан боғлаб олиб бориш — мўл ҳосил гарови эканлигини унутмайлик. Ана шу мақсадда ҳар бир колхоз ва совхозда ҳосил отрядлари — молхона ва фермалардан гўнгни тўплаб, далага олиб чиқувчи колхозчилар ва совхоз ишчилари учун ҳамма имконият яратилиши лозим. Озиқлантиришдан сўнг сугоришни намунали ўтказиш — экининг гуркираб ўсишини таъминлайди. Бу ишга малакали, кўп йиллик тажрибага эга бўлган сувчиларимизни жалб этайлик.

Бу йил кам деганда 370 минг тонна пахта «зангори кема»ларда териб олинади. Ҳозирдан бошлаб ғўзаларни машина теримига мос қилиб ўстириш,— келгусидаги муваффақият гаровидир. Ҳашаротга қарши кураш, бегона ўтларни йўқотишда ҳам тадбиркорлик билан иш олиб борайлик.


Ўтган йили Бекобод районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари ташаббуси билан сувчи ва механизаторларни огоҳлантириш талонлари жорий этилиб, бу иш областимиз бўйича кенг кулоч ёйган эди. Яхши самара берган мазкур тажрибани бу йил ҳам кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Далада меҳнат қилаётганларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитларни яратиб бериш — партия, совет ташкилотларининг, хўжалик органларининг жанговар бурчидир. Жойлардаги дала шийпонларининг намунали ҳолда бўлишига эришайлик. Оммавий-сиёсий тадбирларни кучайтириш — мусобақа ғолибларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш, область партия комитети томонидан ташаббусларн маъқулланган 55—60 центнерчи пахтакорларнинг ва улар издошларининг тажрибаларини оммалаштириш, иш якунларини таҳлил этиб, камчиликларни бартараф этишда дала шийпонлари хизматидан самарали фойдаланайлик.

Кенг ва бепоён пахтазорларда Ватанимизга армуғон этилажак 435 минг тонналик «оқ олтин»нинг тақдири ҳал этилмоқда. Аҳдига вафодор, мард, фидокор пахтакорларимиз, албатта, бу хирмонни бунёд этажаклар. Ҳамма ерда ғўза парваришини кучайтирайлик!

Калинин районидаги «Хасково» совхозининг деҳқонлари эртаги сабзавот маҳсулотларини эл дастурхонига топширишни давом эттиряпти. Суратларда: совхознинг илғор механизаторн Ж. Илёсов; 1-бўлимнинг 3-бригадасида картошкага ишлов бериш пайти; илғор сабзавоткор М. Қобилова ва совхоз директорн Т. Бекматовлар йиғиштирнб олинаётган эртаги картошка ҳосилнинн кўздан кечирмоқдалар.

Е. Ботиров фотолари.



ВАЪДА БАЖАРИЛДИ

С. РАҲИМОВ номли совхозининг моҳир сут соғувчиси Буолма Иброҳимова сут етиштириш беш йиллик шахсий планини барвақт бажаришга сўз берган эди. Сўзи билан иши бир бўлган чорвадор бутун куч ва имкониятларини ишга солиб меҳнат қилди ва ваъдасининг устидан чиқди. У беш йиллик планида белгиланган 217,5 тонна ўрнига 220 тоннадан кўпроқ маҳсулот етиштириб, ғалаба рапортига имзо чекди.

Кекса чорвадор беш йилликнинг дастлабки йилида ҳар сигирдан 2742 килограммдан сут соғиб олган бўлса, ўтган йили ҳар бир говмуш маҳсулдорлигини 3130 килограммданга етказди. Бу йил эса ҳар сигирдан 3500 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олишга сўз берган. Буолма Иброҳимованинг ташаббусига қўшилган Мамлакат Холматова, Зайнаб Матиева сингари сут соғувчилар ҳам беш йиллик планларини бажариш арафасидалар.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
Оҳангарон райони.

ҲОСИЛНИНГ ТАБИИЙ «СОҚЧИЛАРИ»

БУНДАН беш йил муқаддам Калинин номли колхозда Янгийўл районида биринчи биология лабораторияси ташкил этилган эди. Бу ерда фойдали ҳашорат — трихограммалар кўпайтирилиб, улар қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши пахта далаларига тарқатилярди. Бироқ, лаборатория учун бино, зарур жиҳозлар етишмаслиги туфайли ҳосилни биологик усулда муҳофаза қилиш 50—100 гектар майдонда амалга оширилар эди, холос.

— Трихограммалар кам майдонга тарқатилишига қарамай, тажрибамиз биологик усулнинг катта афзалликларини исботлади, — дейди колхоз бош агрономи М. Ҳожимуҳамедов. — Ҳисоб-китоблар 1 гектар пахта майдонидаги қишлоқ хўжалик зараркунандаларини қириб ташлаш учун 400 сўмлик заҳарли химикатлар сарфланишини кўрсатади. Биологик усулдан фойдаланилганда эса бу сарф-ҳаражат 40 сўмдан ошмайди.

Колхозимиз барча пахта майдонларида ҳосилни биологик усулда муҳофаза қилишга ўтиш қарийб 400 минг сўмни тежаш имконини беради. Гап фақат бу усулнинг ижтисодий жиҳатдан самарали эканлигидагина эмас. Маълумки, хўжалигимиз Янгийўл шаҳрининг ёнида жойлашган, қишлоқларимизда ҳам аҳоли зич яшайди. Шундай экан атроф муҳитни муҳофаза қилиш зарурати ҳам биологик усулдан кенг фойдаланиши талаб этмоқда.

Бу йил колхозда биология лабораторияси учун янги бино ажратиб берилди. Фойдали ҳашоратларни кўпайтириш учун зарур асбоб-ускуналар харид қилинди. Лабораторияга олий маълумотли мутахассис Кирмон Назиров мудир қилиб тайинланди.

— Биз Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг биология лабораторияси мутахассислари билан алоқа ўрнатдик, — дейди К. Назиров.— Бу лабораторияда кўпайтириш учун габробракон қапалакларини олдик. Бу ҳашорат трихограммага қараганда анча самаралироқдир. Жумладан, қишлоқ хўжалик зараркунандаларини йўқотиш учун 1 гектар пахта майдонига 200 мингта трихограмма тарқатилиши керак. Габробракоининг эса 200 та капалаги шу майдондаги ҳашоратларни йўқ қила олади.

БИОЛОГИК УСУЛГА — КЕНГ ЙЎЛ

Трихограмма зараркунандаларнинг тухумини, габробракон эса уларнинг қуртини йўқотади. Шу билан бирга-ликда габробракон 5 сантиметр чуқурликдаги зараркунандаларни ҳам топиб ейди.

Габробракон капалакларини пахта далаларига тарқатиш ҳам қулай. Трихограммаларни бевосита пайкалнинг ичида, ҳар 10—15 метр масофада тарқатиб чиқиш керак бўлади. Габробракон капалаклари узоққа учиш қобилиятига эга бўлганлиги сабабли уларни ҳар бир пайкалга дала четидан қўйиб юбориш мумкин. Умуман бу фойдали ҳашорат ҳосилни биологик усулда муҳофаза қилиш самарадорлигини оширади.

Ҳозирги кунларда лаборатория ходимлари Муҳаббат Ҳолмуҳамедова ва Равшан Қоплоновалар габробракон капалакларини кўпайтириш билан машғуллар. Қисқа вақт ичида улардан 20 минг-га яқини кўпайтирилди. Мавсум давомида фойдали ҳашоратлар капалаклари 50 минггага етказилади. Бу эса 300 гектарга яқин пахта майдонида биологик усулдан қўлланиш имконини беради.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларини йўқотишда габробракондан фойдаланиш кўзда тутилган колхознинг 6, 7, 8-бригадалари пахта майдонлари шу кунларда махсус кузатувчилар томонидан синчиклаб текширилиб кўрилаётир. Умуман ҳозир хўжаликда 11 нафар кузатувчи иш олиб бораётир. Кузатувчиларнинг ҳаммаси биология лабораториясида ташкил этилган машғулотларда қишлоқ хўжалик зараркунандаларини аниқлаш ҳамда уларга қарши қурашиш воситаларини ўргандилар.

Биология лабораторияси ходимлари пахта майдонларида қишлоқ хўжалик зараркунандалари тарқалганлиги аниқланиши биланоқ уларга қарши кураш чораларини кўриш учун ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганлар. 300 гектар майдонга кузги тунлам зараркунандасини йўқотиш учун зарур миқдорда габробракон капалакларн кўпайтирилди.

Лабораторня ходимлари келгуси йилдаёқ 600 гектар майдонда биологик усулни жорий этишни режалашмоқда. Ўн биринчи беш йилликда барча майдонларда ҳосил табиий «соқчилар» ёрдамида муҳофаза қилинади. Бунинг учун колхоз биология лабораториясини янада кенгайтириш, қўшимча асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш тадбирлари белгиланяпти.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ЎЗБЕКИСТОН КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети ўртасида янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалик оборотига киритиш, эскидан суғорилади ерларни капитал текислаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, асосий ишлаб чиқариш қувватларини қуриш ва ишга тушириш юзасидан ўтказилаётган социалистик мусобақанинг шу йил тўрт ойлик якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Ташобламелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг 2-механизациялашган кўчма колоннасига** (бошлиғи Ю. Ю. Юнусов, партия ташкилоти секретари Л. В. Еремеев, касаба союз ташкилоти раиси С. Б. Каратаева, комсомол ташкилоти секретари Х. Гатаулин ўртоқлар) берилди. Бу колонна коллективи тўрт ойлик планни бош пудрат бўйича 114,6 процент, ўз кучи билан 105,3 процент, объектларни топшириш ва қурилиш босқичларини тугаллаш бўйича 110,5 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 100,4 процент бажарди.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **«Паркентводстрой» трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннасига** (бошлиғи А. Ҳ. Оппоқхўжаев, партия ташкилоти секретари М. Абдуқодиров, касаба союз ташкилоти раиси Н. Муродов, комсомол ташкилоти секретари У. Раҳмонова ўртоқлар) берилди. Бу колонна коллективи тўрт ойлик планни бош пудрат бўйича 108,7 процент, ўз кучи билан 111 процент, объектларни топшириш ва қурилиш босқичларини тугаллаш бўйича 100 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича 110,1 процент бажарди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун «Ташобламелиоводстрой» қурилиш бошқармасининг 2-механизациялашган кўчма колоннасига ва «Паркентводстрой» трестининг 5-механизациялашган кўчма колоннасига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

ПИЛЛА ТОПШИРИШ ҚИЗҒИН

КАЛИНИН райони пиллакорлари ўнинчи беш йилликнинг якуловчи йилида КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун даллатга ҳар қачонгидан кўп кумуш тола етказиб бериш мажбуриятини олишган. Айни кунларда район хўжаликларида пишиб етилган пилла ҳосилини йиғиб-териб олиш қизғин бошлаб юборилди.

2100 қути қурт уруғидан пландаги 133 тонна ўрнига 137 тонна «кумуш тола» топшириш учун курашда районнинг ҳар бир пиллакори актив иштирок этаётир. Айниқса, «Партия XXI съезди» ва «Қорасув» совхозлари, «Партия XX съезди» ва Куйбишев номли колхозларнинг «кумуш тола» бунёдкорлари пилла топширишни барвақт бошлаб юбордилар. Улар икки-уч кун ичида юксак мажбуриятларни бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Шу кунгача қабул пунктларига етказиб берилган жами пилла 70 тоннага етди. Ҳозирданоқ ҳар қути қурт уруғидан олинаётган ҳосил ўртача 90 килограммдан ошиб кетаётир.

ИШОНЧ

ФЕВРАЛЬ ойининг ўрталари. Белгиланган вақтда қишлоқ Совети биноси олдида сайловчилар тўпланиб бўлишди. Барчанинг юзида табассум. Қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Еқуб ака Юсупов йиғилганларни ичкарига таклиф этди. Зум ўтмай, зал сайловчилар билан тўлди.

— Сайловчи ўртоқлар, бугун биз бу ерга область Совети депутатлигига номзод, «Ленинобод» колхози аъзоси Жамила Носировна Насимова билан учрашиш учун тўпландик, — дея гап бошлади Еқуб ака Юсупов. Шундан сўнг депутатликка номзоднинг таржимаи-ҳоли ўқиб эшиттирилди. Сайловчилардан колхоз ҳисобчиси А. Маматов, Чапаев номли мактаб директори Ҳ. Арслонов, колхозчи Б. Абдураҳмоновлар сўз олиб, тинчликсевар ватанимиз ҳар бир граждапининг сиёсий онги ошганлиги ва меҳнат жабҳаларидаги фаолияти юксалганлиги ҳақида тўлқинланиб гапиришди. Область Совети депутатлигига номзод Жамила Насимова учун якдиллик билан овоз беришга чақиришди.

Ҳозир бўлган район партия комитетининг иккинчи секретари М. Аҳмаджонов Жамилага пахтачиликни ривожлантириш ҳамда жамоатчилик фаолиятида катта муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик тилади.

— Ишончингиз учун раҳмат, — деди Жамила сайловчиларга ўз миннатдорчилигини изҳор қилиб.

Бу пайтда тўлқинланмай илож йўқ. Ўтиргандан сўнг ҳам анчагача қаяжонини босолмади. Учрашув тугаб, ҳамма тарқалди. Жамила бироз ўзини тутиб олди. Энди уни ҳаёл элтди. Ҳалигина сайловчилардан тушган наказларни қандай бажариш мумкин? У шу ҳақда ўйларди. Еқуб ака буни сездими, Жамилага тасалли бергандай бўлди:

— Қайси масалада ёрдам зарур бўлса, шу ерга келинг, йўқ-йўриқ кўрсатамиз. — деди.

Орадан бир неча кун ўтди. Колхоз аҳли Жамиланинг номзоди учун якдиллик билан овоз бердилар. Оила аъзолари, ҳамкасб, дўст-ёронлари уни яна бир карра чин юракдан табриклашди...

Жамила Насимова бир неча йилдан буён турмуш ўртоғи билан колхоздаги Асадулла Ўролов бошлиқ 10-бригадада пахта ҳосилдорлигини оширишга ҳисса қўшиб келмоқда. Мухтор қўёш киздиришига қарамай, туну-кун ҳар бир ниҳолнинг қониб сув ичишини таъминласа, Жамила ғўзанинг душмани — бегона ўтларга қарши курашда чарчаш нималигини билмайди.

Улар пахтакорлик касбини улуғлаётган коллективда 1979 йили ҳосилдорлик айниқса кўзланганидан зиёд бўлди. Экин агротехникасига қатъий амал қилиб, химиявий ва маҳаллий ўғитлан, ёқилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш самараси 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 41,5 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинганда яққол сезилди. Бундай ютуққа эришишда Жамиланинг ҳам ҳиссаси катта. У ёшлик шижоатини аямай, коллектив билан бирга тер тўкди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг серқуёш Ўлкамиз пахтакорлари ҳақидаги «оқ олтин»ни олтин қўллар яратади» деган жарангдор сўзлари ҳамон Жамиланинг қалбида. Ўтган йили унинг чаққон қўллари бригада бўйича йиғиштириб олинган 269 тонна пахтанинг 6000 килограммини териб берди.

Депутат аъзо бўлган бригада деҳқонлари бу йил ҳам юқори ҳосил кўтариш иштиёқида меҳнат қилмоқдалар.

...Қишлоқ қизи катта йўллан шаҳдам қадам ташлаб бормоқда. Қалбида бир олам ўй-режалар чарх уряпти. Сайловчилар унга ишонч билан «Партия XX съезди» колхозидаги Фирдавсий номли 9-мактабга қўшимча синфхоналар қуриш, «У-201» ариғига лоток ётқизиш ҳамда «Ленинобод» колхозида 620 ўринли мактаб қурилишини тезлаштиришда, янги ҳаммом сметасини тузишда кўмаклашиш ҳақида наказлар беришган. Бинобарин унинг меҳнатига барака киритаётган янги ютуқлар сари илҳомлантираётган ҳам ана шу ишонч.

Ҳ. АСРОҚУЛОВ,
Бўка райони.



Н. ЧАНТУКОВА пойтахтдаги асбобсозлик заводининг пешқадам ишчиси. У ўнлаб ёшларнинг меҳрибон мураббийси ҳамдир. Суратда: Н. Чантукова собиқ шогирди, ҳозир эса корхонанинг илғор ишчиси З. Холматова билан.

В. Смотрнин фотоси.

ЎРОҚ ВА БОЛҒА ҲАМКОРЛИГИ

ОТАЛИҚ ЁРДАМИНИ КУЧАЙТИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларида мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш умумхалқ иши эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Экономиканинг бу соҳаси қанчалик тез ривожланса, саноатнинг турли-туман хом ашёга бўлган эҳтиёжи шунчалик яхши таъминланади, халқимиз фаровонлиги эса ортиб боради.

Шунинг учун ҳам Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида кенг йўлга қўйилган Ўроқ ва Болға ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Биз Бекобод райони хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатишни тобора кенгайтириб боряпмиз. Шаҳримиздаги ишлаб чиқариш коллективлари ҳар йили колхозлар ва совхозлар меҳнаткашлари билан оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича социалистик мажбуриятлар тузишади ва уни тасдиқлашади. Бу бутун йил давомида ўртадаги ҳамкорлик программаси бўлиб хизмат қилади.

Айниқса ўнинчи беш йилликда қишлоқ меҳнаткашларига ёрдам кўрсатиш ҳажми ортди, мазмуни эса кенгайди. Ўтган йили бу соҳада қилинган ишлар фикримиз далили бўлади. Ўтган хўжалик йилидаги ноқулай об-ҳаво шароитлари пахтачиликда катта қийинчиликларни вужудга келтирди. Шаҳарликлар ана шундай ноқулай бир вазиятда район пахтакорлари, сабзавоткорлари, чорвадорларига ҳар томонлама кўмаклашдилар.

Шунинг учун ҳам ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида колхоз ва совхозларга ёрдам кўрсатиш бўйича социалистик мажбуриятларимизни шараф билан бажардик. Йил давомида кўрсатилган ёрдам ҳажми 392 минг сўмликни ташкил этди. Ваъдада белгиланган марра эса 300 минг сўмликдан сал кўпроқ эди. Бу маблағ ҳисобига механика устаханалари, қишлоқ хўжалик техникаси учун сўрилар қурилди ва ремонт қилинди, устахоналар, станоклар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Район хўжаликларида шаҳар корхоналари ташкил этган 12 та кўчма автомобиль устахонаси донм ишлаб турди. Бу устахоналар коллективлари қишлоқ хўжалик ишлари авж олиб кетган мавсумда техника воситаларини ремонт қилиш билан шуғулланишдилар. Бундан ташқари, хўжаликларнинг эҳтиёжлари учун автомобиль транспорти ҳам ажратиб турилди.

Шаҳарликлар етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишда колхоз ва совхозларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Биргина ўтган йили вакилларимиз район пахтазорларида 7,5 минг тонна «оқ олтин» теришди. Бу мажбуриятда назарда тутилганидан бир ярим минг тонна кўпдир. Бундан ташқари, чорвачилик эҳтиёжлари учун саккиз минг тонна дағал хашак тайёрланди. Бу билан ваъдада белгиланган марра учдан бир қисмга ортиғи билан адо этилди.

Район хўжаликларида етиштирилган мева, сабзавот маҳсулотларини ҳам йиғиб-териб олишга ҳамшаҳарларимиз озми-кўпми ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган йили бундай маҳсулотларни йиғиб-териб олиш авж олиб кетган даврда ҳар куни ўрта ҳисоб билан мингга яқин бекободликлар колхозчилар ва совхоз ишчилари билан ёнма-ён туриб ишладилар. Жами йиғиб берилган мевалар ва сабзавот миқдори 674 тоннани ташкил этди.

Саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари оталиқдаги хўжаликларда чорвачиликни ривожлантиришга тобора катта эътибор бермоқдалар. Бу соҳа бўйича кўрсатилаётган ёрдам ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, ўтган йил учун белгиланган иш ҳажми уч ярим баравар знёдаси билан бажарилди. Ийрик шохли қорамоллар, чўчқа ва парандалар боқиш учун қатор бинолар, силос бостириш учун омборлар, ем-хашак цехлари ва кухнялари қурилди ва ремонт қилинди. Қатор ем-хашак тарқатувчи қурилмалар тайёрлаб берилди. Чорвачилик фермаларида ободонлаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва электрлаштириш бўйича ҳам ишлар амалга оширилди.

Шаҳримиздаги қатор корхоналар коллективлари оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича зиммаларига олган мажбуриятларини йил сайин ортиғи билан адо этмоқдалар. В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи, темирйўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмаси, темир-бетон буюмлари ва бинокорлик материаллари комбинати, «Бекабадцемремонт» корхонаси, ғишт заводлари бошқармаси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Маданият ва соғлиқни сақлаш масалаларида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга катта аҳамият билан қаралмоқда. Шаҳардаги маданият ўчоқлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини оширишга ҳисса қўшиш соҳасида қатор ишларни амалга оширдилар ва оширмоқдалар.

Шаҳар маданият бўлими ҳузурида Бекобод районидаги клуб муассасалари ва бадиий ҳаваскорлик коллективларига методик ёрдам кўрсатиш бўйича марказий пункт ишлаб турипти. Бу пункт аъзолари район колхозлари ва совхозларида тез-тез бўлиб туришади. Клублар ишини яхшилаш, бадиий ҳаваскорликни жонлантиришга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Қишлоқлардаги маданият ўчоқлари ходимларини шаҳарда ўтказиладиган ҳар хил кечалар, кўрик-конкурсларга таклиф этиш анъанага айланиб қолди. Шаҳримизнинг бадиий ҳаваскорлари оталиқдаги хўжаликларда тез-тез бўлиб туришади. Улар ўзларининг дилрабо куй ва қўшиқлари, жозибали рақслари билан пахтакорлар, сабзавоткорлар, чорвадорларни хушнуд этмоқдалар. Шаҳардаги марказий кутубхонада қишлоқ кутубхоналари ходимлари учун семинар машғулотлари ўтказилиб турилипти.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора кучайиб бормоқда. Шаҳардаги уяббий муассасалар коллективлари қишлоқлардаги ҳамкасблари учун турли касалликлар бўйича консультациялар беришмоқда, уларни беморларни даволашнинг янги усуллари билан таништиришмоқдалар. Педиатр врачлар эса биргаликда конференцияларда ўтказиб туришади. Бу конференцияларда ёш гражданларни даволаш, саломатлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги илғор тажрибалар ўртоқлашилади, даволашнинг янги усуллари, тўпланган тажриба ўртада баҳам кўрилади.

Шаҳримиз оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича ўтган йилнинг иккинчи ярмидаги шаҳарлараро ва республика пойтахти районларираро мусобақада ғолиб деб топилди. Бу соҳадаги самарали ишларимиз область партия комитети, область ижроия комитети ва область касаба союзлари Советининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Шаҳар партия комитети ва халқ депутатлари шаҳар Совети ижроия комитети Бекобод райони хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатишни бундан бүён ҳам доим диққат-эътибор марказида сақлайди. Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги йилида Ўроқ ва Болға ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган янги тадбирлар белгиладик. Эндиликда улар бирин-кетин амалга оширилмоқда.

Шаҳардаги барча саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари колхозлар ва совхозлар раҳбарликлари билан оталиқдаги хўжаликларга ёрдам кўрсатиш бўйича социалистик мажбуриятлар тузиб чиқишди ва уни тасдиқлашди. Бу мажбуриятлар шаҳар партия комитетининг қарори билан маъқулланди. Шунга мувофиқ йил давомида район хўжаликларига жами 317 минг сўмлик ҳажмда ёрдам кўрсатилади. Шу жумладан, чорвачиликни ривожлантиришга 160 минг сўмлик, қишлоқ хўжалик техникасини тайёрлашга 64 минг сўмлик иш бажарилади. 15 минг сўмлик ободонлаштириш тадбирлари амалга оширилади.

А. ИБОБЕКОВ,
Бекобод шаҳар ижроия комитетининг раиси.







Олмалиқ гилам фабрикаси коллективи бу йил корхонанинг лойиҳадаги қувватини ўзлаштириш учун қизғин изланиш олиб бормоқда. Натижада ҳар йили ишлаб чиқариладиган гилам миқдори 37 миллион сўмликка етади. Ушбу суратларда фабрика илғор ишчиларидан М. Пўлатова (чапдан) Е. Данилина, Е. И. Глонина ва Д. Пардабоевалларни кўриб турибсиз. Бу ёш ишчилар ўзларининг унумли ва сифатли меҳнатлари билан коллектив ҳурматига сазовор бўлишган.

В. Сироткин фотолари.

КАЛИНИН РАЙОНИДА

АҲОЛИ ДАСТУРХОНИГА

Бўлимимиз деҳқонлари аҳоли дастурхонига эртаги сабзавот маҳсулотлари тортиқ қилишни бошлаб юборганларига анча бўлди. Ҳозиргача савдо тармоқларига 200 тоннадан кўпроқ карам, 210 тонна редиска, 25 тонна қулупнай, 35 тонна сариқмоқ пиёз ва резаворлар етказиб бердик. Бу ноз-неъматлардан республикамиз пойтахти меҳнаткашлари қатори Москва ва Узоқ Шарқ шаҳарлари аҳолиси ҳам баҳраманд бўлаётир.

Коллективимиз эртаги сабзавот экинлари парваришини илғор агротехника қоидалари асосида олиб бораётганликлари туфайли ҳосил барвақт етилди. Бу соҳада айниқса, механизаторларимиздан Рўзибой Исматов, Ваҳоб Султонов, Шермат Нурматов, Аҳмад Эшонқулов, Қобил Маҳмудов, Ислом Норхўжаев, сувчилардан Маҳкам Мирзаев, Маҳмуд Муминов, Ражаббой Эшонқулов, Тошхўжа Турсунхўжаевлар ўрнак кўрсатишаётир.

Деҳқонларимиз ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида даалатга 6700 тоннадан кўпроқ сабзавот маҳсулотлари, ҳамда 450 тонна картошка етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Улар ваъдага вафо қилиш учун экинлар парваришини янада кучайтириш чораларини кўраётирлар. Сабзавот экинлари парвариши, айниқса, бўлимимизнинг Аъзам Азимов, Пўлат Эшонхонов, Холмат Иброҳимовлар бошлиқ бригадаларида намунали йўлга қўйилган.

Суғориладиган майдонлардан самарали фойдаланиш учун биз бир майдонда йилига икки марта ҳосил етиштириш чораларини ҳам кўраётирмиз. Шунинг учун эртаги сабзавот экинлари ҳосили йиғиштириб олинган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб, қатор экин экишга ҳам ҳозирлик кўрилмоқда.

Сабзавоткорларимиз зиммаларига олган юксак мажбуриятларини Улуғ Октябрнинг 63 йиллиги кунигача бажаришга сўз берганлар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун далаларда фидокорона меҳнат қилишяпти.

С. ЖЎРАЕВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг 2-бўлими бошлиғи.

ЎРИМ ТУГАЛЛАНДИ

Калинин районидаги «Москва» совхозининг Ж. Семсеров бошчилик қилаётган комплекс ем-хашак бригадаси механизаторлари 100 гектар майдондаги беданинг биринчи ўримини қисқа муддатда тугалладилар. Бу техника воситаларидан самарали фойдаланиш натижасидир. Беда ўримига 10 та ўроқ машиналари ва тракторлар жалб этилди. Механизаторлардан А. Айилмасов, А. Зокиров, П. Абутаев ва Ю. Багановлар беданн қисқа муддатда ўриб-йиғиштириб олишда жонбозлик кўрсатишди.

Беданинг биринчи ўримидан 600 тоннадан кўпроқ сенаж бостирилди. Комплекс ем-хашак бригадаси коллективи бу йил камида 1000 тонна сенаж бостириш учун курашяпти.

Ҳозирги кунларда беда-зорларни озиқлантириш ва суғориш бошлаб юборилган. Хўжаликда бу йил ҳар гектар майдондан 200 центнердан беда пичани олиш учун курашилмоқда.

Х. МИРЗАКАРИМОВ.

Э Ъ З О З

ДЕПУТАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Дилором касб танлашда янглишмади. У ёшлигидан ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Дарс берган муаллимларига ҳавас қиларди. Боиси маданиятли ва зиёлилар ҳонадонида туғилиб вояга етди. Партия, совет органларида масъул лавозимларда ишлаб келаётган Олим ака меҳнат фаолиятини ўқитувчиликдан бошлаган. Онаси Мәнзура опа ҳам ҳаётини ёшлар тарбиясига бағишлаган севимли мураббийлардан ҳисобланади.

1974 йили республика рус тили ва адабиёти институтини битириб, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли 34-мактабга ишга келди. Олий ўқув юртида олган пухта билими ва ўқув практикаларида актив қатнашганлиги, қолаверса меҳнатсеварлиги сабаб бўлдими тезда коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонди.

Дилоромнинг ташкилотчилиги, фанини яхши ўзлаштириб олганлигини ҳисобга олишиб, район халқ маорифи бўлими инспекторлигига ишга таклиф қилишди. У 1978—79 йилларда ана шу вазифада ишлади. Кейинчалик Охунбобоев номли 4-ўрта мактабда ўқувчиларда иккинчи она тилимиз ҳисобланган улуғ рус тили ва адабиётига меҳр уйғотишни давом эттирди. Д. Бердиева дарсларни кўргазмали қуроллар воситасида, темаларга оид диафильмлар ёрдамида қизиқарли, юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилади. Мактабдан ташқари ишлар ҳам ўқувчиларнинг билим савияларини кенгайтиришга ижобий таъсир қилмоқда. Ёш ўқитувчи ўзи раҳбар бўлган 7-синф ўқувчилари билан Тошкент циркига экскурсия уюштирди. Навбатдаги дарсда эса улар пойтахтда кўрганларини рус тилида ҳикоя қилиб бердилар. Бундан ташқари Дилором ўз синфида ўзлаштирмаётган, дарсга тўла қатнашмаётган ўқувчилар билан алоҳида иш олиб боради. Чунончи, Русам Турғунов, Мурод Аббосов каби ўқувчиларнинг ота-оналари билан ўтказилган суҳбатлар яхши самара берди.

Дилором жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. Мактаб коммунистлари унинг фаоллигини ҳисобга олиб, партия ташкилоти секретарининг ўринбосарлигига сайлашган. У область Советининг депутати ҳамдир.

Эл назари тушган, халқ ишончига сазовор бўлган Дилором Бердиева ҳақида мактаб директори Ҳайдар Тошматов шундай дейди:

— Бу ишончга у меҳнати ва ташкилотчилиги билан эришди, коммунист сифатида партия топшириқларини сидқидилдан адо этиб намуна кўрсатмоқда. Аввал мактабда 2 та рус тили кабинети бор эди. Депутатнинг актив иштирокида яна бир фан кабинети ташкил этилди. У юксак ишончни шараф билан оқлайди.

Директорнинг бу фикрига биз ҳам қўшиламиз.

И. НЕЪМАТИЛЛАЕВ.


З А Р Б Д О Р Л А Р

Алексей Федорович Полухин бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси азаматлари смена топшириқларини мунтазам оширib бажариб, Саричек кони коллективи ўртасида илғорлар сафида боришмоқда. Улар фақат кондa эмас, балки В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати бўйича бригадалараро социалистик мусобақада ҳам бир неча марта ғолиб чиқиб, фахрли ўринларни эгаллашган.

Бу экскаваторчилар бригадаси коллективи ўтган тўрт ойлик планга қўшимча равишда 50 минг кубометрдан ортиқ тоғ массасини машина ва вагонларга ортиб жўнатишди.

Конда коммунист Абдужамолиддин Ҳайитматов номи ҳам илғорлар сафидан тушмаяпти. Бу пешқадам бурғиловчи тўрт ойлик пландагига қўшимча 300 метр қудуқ қазиди. Шу билан бирга агитатор сифатида ҳам намунали фаолият кўрсатяпти.

Сменалараро меҳнат беллашувида В. Посохов бошлиқ коллектив олдинда боряпти. Улар маъдан қазиб олиш тўрт ойлик планини муддатидан анча олдин бажаришди.



Дилором Солиева — Тошкент химия-фармацевтика заводининг ампула цехида бир неча йилдан бери ишлайди. Ўз касбини пухта эгаллаган бу ёш ишчи меҳнатда кўпчиликка намуна бўлмоқда. Нормани доим ортиғи билан бажариб, фақат сифатли маҳсулот беряпти. Суратда: Д. Солиева иш устида.

И. Глауберзон фотоси.

ТАҚРИЗ

КПСС—СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ

СОВЕТ Иттифоқи Коммунистик партияси — давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир. У коммунизм қураётган совет халқининг курашда синалган ва чиниққан авангардидир.

«Бизга революционерлар ташкилотини беринг-чи, биз Россияни тубдан ўзгартириб юборамиз»,— деган эди В. И. Ленин. XIX асрнинг охирида ўз шонли йўлини нолегал марксистик тўгараклардан бошлаб, уч революция синовларидан ўтиб, 1917 йил октябрида инсоният тарихида биринчи социалистик давлатни идора қилувчи жанговар сиёсий ташкилотга айланган Ленин партияси ҳозирги кунда халқаро коммунистик ҳаракатнинг энг тажрибали ва чиниққан отрядига айланди.

Жамиятни тубдан ўзгартириш учун курашнинг сиёсий асосида ва методлари, партия идеологик ва ташкилий принциплари партия асосчиси Владимир Ильич Ленин томонидан ишлаб чиқилган эди. Партия йўлбошчиси айни вақтда КПСС-нинг биринчи тарихчиси ҳамдир. КПСС тарихи эса революцион таълимотнинг битмас-туганмас ҳазинасидир. Илмий коммунизмнинг буюк ижодкорлари — Маркс, Энгельс, Ленининг ўлмас асарлари, партиянинг ҳужжатлари КПСС тарихий тажрибасини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилади. КПСС тарихини ўрганиш коммунистларда марксча-ленинча дунёқарашни, эътиқодни шакллантириш, интернационализм руҳида тарбияланишнинг муҳим шартидир.

Шунинг учун ҳам партиямиз ҳамма ҳужжатларида, КПСС XXV съезди қарорларида КПСС тарихини, марксизм-ленинизм назариясини ўрганиш жуда муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик вазифа сифатида кун тартибига қўйилаётгани бежиз эмас.

Сўнгги йилларда ижтимоий фанларнинг энг муҳим соҳаси бўлган партия тарихи устида катта-катта тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизда, жумладан республикамизда К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин асарларининг нашр этилиши партия тарихи фанини ривожлантиришда катта роль ўйнади. КПСС XXV съезди материаллари, Л. И. Брежневнинг «Идеология ишининг актуал масалалари. Нутқлар ва мақолалар» китоби ҳамда Коммунистик партия ва давлат арбоблари асарларининг нашр этилиши КПСС тарихи ва фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш учун кенг имконият яратди. Булардан ташқари, КПСС таркибий қисми ва жанговар отряди ҳисобланган Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи ва фаолиятига доир қатор асарлар нашр этилди.

Шуни қувонч билан қайд этиш керакки, республикамизда Ўзбек Совет Энциклопедиясининг нашр этилиши табиий ва ижтимоий фанларга доир билимларнинг ҳамма соҳаларини, жумладан, КПСС тарихи, унинг таркибий қисми ва жанговар отряди бўлган Ўзбекистон Компартияси тарихи фанини ҳам янги манбаълар ва маълумотлар билан бойитиш ва тўлдириш имкониятини берди. Қомуснинг қиммати ва аҳамияти шундаки, унда шонли партиямизнинг революцион фаолияти, мамлакатимизда социализм ва коммунизм қурилишида тўпланган тарихий тажрибаси марксча-ленинча илмий нуқтаи назардан ихчам формада, энциклопедик изчиллик ва услуб билан ёритиб берилган.

Маркс ва Энгельснинг жўшқин революцион фаолияти, уларнинг биринчи пролетар ташкилотларини тузиш йўлидаги кураши, инсоният тарихидаги буюк хизматлари қомусда чуқур назарий ва илмий савияда равон ёзилган йирик мақолаларда (**Маркс**, 6-жилд; **Энгельс**, 12-жилд; **марксизм-ленинизм**, 6-жилд; **Интернационал**, 5-жилд; **Диалектик материализм**, 4-жилд; **Тарихий материализм**, 10-жилд;) баён этилган.

Маълумки, партиямиз тарихининг асосини В. И. Ленин назарий мероси ташкил этади. «Маркс билан Энгельснинг содиқ ва матонатли издоши сифатида жаҳон синфий кураш майдонига чиққан Ленин уларнинг революцион таълимотини ҳар томонлама ривожлантирди», — дейилади КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги тўғрисида»ги қарорида.

Ўзбек Совет Энциклопедиясидаги В. И. Ленин ҳаёти, революцион фаолиятига бағишланган йирик мақола (**Ленин**, 6-жилд)да доҳийнинг инсоният тарихидаги ана шу буюк хизматлари назарий ва илмий хулосалар, аниқ фактлар асосида очиб берилади. Мақоланинг қиммати шундаки, унда В. И. Ленин ва Ўзбекистон темаси ғоят муҳим ва қизиқарли тарихий ҳужжатлар ва фактлар асосида таҳлил қилинади.

Қомуснинг катта ҳизматларидан бири — унда Маркс, Энгельс, Ленининг муҳим асарлари ҳақида изчил илмий мақолалар берилганлигидир. Шу вақтга қадар партия тарихига оид адабиётларда Ўзбек тилида бу асарлар ҳақида илмий мақолалар бир тўпламда йиғиб берилган эмасди. Энди ҳар бир қомусхон Ўзбек Совет Энциклопедияси саҳифаларини варақларкан, марксизм-ленинизм классиклари асарлари (**«Анти-Дюринг»**, 1-жилд; **«Капитал»**, 5-жилд; **«Коммунистик партия манифести»**, **«Людвик Фейербах ва немис классик философияси»**, 6-жилд; **«Оила ва хусусий мулкнинг келиб чиқиши»**, 9-жилд; **«Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар»**, 12-жилд; **Россияда капитализмнинг тараққийси»** — 9-жилд; **«Бир қадам олға, икки қадам орқага»**, 2-жилд; **«Демократик революцияда социал-демократиянинг икки тактикаси»**, 3-жилд; **«Материализм ва Эмпириокритицизм»**, **«Нима қилмоқ керак»**, **«Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар»**, **«Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида»**, 8-жилд; **«Империализм — капитализмнинг юқори босқичи»**, 4-жилд; **«Давлат ва революция»**, 3-жилд; ва бошқалар)нинг асосий ғояси, мақсади ва вазифалари, пролетариат революцион курашидаги тарихий ва амалий аҳамияти ҳақида анча батафсил илмий маълумотлар олишга муяссар бўлади.

Ўзбек Совет Энциклопедияси нашрининг катта ҳизматларидан бири — унда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихининг жуда кўп илмий манбаълар асосида мукаммал ва назарий савияда ёритилганлигидир. ЎзСЭдаги **Совет Иттифоқи Коммунистик партияси** (10-жилд) номли йирик мақолада партиямизнинг кўп қиррали фаолияти — большевистик партиянинг тузилиши, унинг ғоявий, ташкилий ва сиёсий асослари, уч революция давридаги стратегия ва тактикаси, СССРда социализм, ривожланган социализм қуриш учун курашдаги ташкилотчилиги ва раҳбарлиги чуқур илмий таҳлилини топган. Мақолада партия тарихи билан боғлиқ бўлган В. И. Ленин асарлари, партия ҳужжатлари ва муҳим сиёсий воқеалар ҳақидаги мақолалар (**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси программаси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси устави, Большевистик матбуот, Партия — Совет матбуоти, «Меҳнатни озод қилиш»** группаси, **«Петербург «Ишчилар синфини озод қилиш учун курашсоюзи»**, **«Искра»**, **«Миллий масала, Февраль буржуа-демократик революцияси, Апрель тезислари, Улуғ Октябрь социалистик революцияси** ва бошқалар)га ҳаволалар берилганки, ўқувчи ЎзСЭнинг турли жилдларидаги ана шу ҳавола қилинган материаллар билан танишиши жараёнида КПСС-нинг маълум ва айрим даврлардаги юргизган сиёсати, фаолияти ва иши ҳақидаги билимларини янада чуқурроқ тўлдириш имкониятига эга бўлади. Шунингдек, КПСС ташкилий тузилиши, бошланғич партия ташкилоти, район, область партия комитетлари, иттифоқдош республика компартияси Марказий Комитетининг структуралари ҳақида берилган схема-жадваллар **Совет Иттифоқи Коммунистик партияси** мақоласининг мазмуни ва қимматини янада оширган. Қомус саҳифаларидан КПССнинг ҳамма съездлари ҳақидаги мақолалар кенг ўрин олган.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КЎТАРА САВДО»

Чирчиқ пойафзал фабрикасининг Чорвоқ посёлкасидаги 2-филиалида меҳнат қилаётган бир группа ишчилар редакцияга хат юборишган эди. Бу хатда улар бажарган ишларига тўланадиган иш ҳақини вақтида олдолмасликлари, ойликларидан турли баҳоналар билан белгиланган тартиб-қоидалардагидан кўпроқ чегириб қолинаётганлиги, шунингдек, топшириқларни ошириб бажарганликлари учун тўланадиган мукофот пуллари ҳам вақтида берилмаслигини кўрсатган эдилар.

Хатда келтирилган фактларни текшириш натижасида ёзилган фельетон газетанинг 17 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган эди.

Редакция ушбу фельетонга Ўзбекистон ССР енгил саноат министрининг ўринбосари ўртоқ А. Т. Тўлаганов имзоси билан жавоб олди.

Унда айтилишича, Чирчиқ пойафзал фабрикасининг Чорвоқдаги 2-филиалида ишчиларга ойлик тўлашда рўй берган тартибсизликларнинг олдини олмагани, назоратни сусайтириб юборгани кўрсатиб ўтилди.

Фельетон юзасидан тегишли ўтказилган даврда ишчиларга тўланган ойликдан ноўрин ушлаб қолинган қисми қайта ҳисобланиб, уларга қайтарилган.

Фельетон Чирчиқ пойафзал фабрикасининг кенгайтирилган партия мажлисида кўриб чиқилган. Бунда 2-филиал ишчилари ҳамда «Узкожобувпром» саноат бирлашмасининг вакили қатнашган.

Жавобда шунингдек, 2-филиалда ишни яхшилаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланганлиги айтилади.

Фельетон чиққандан сўнг фабрика ва филиал бошлиғи ўртоқ К. М. Даурeновга эса виговор эълон қилинди.

Чирчиқ пойафзал фабрикасининг бош бухгалтери вазифасини бажарувчи ўртоқ Н. П. Дорофеевага Чорвоқдаги филиалда ишчиларга ойлик тўлашда рўй берган тартибсизликларнинг олдини олмагани, назоратни сусайтириб юборгани кўрсатиб ўтилди.

Фельетон юзасидан тегишли ўтказилган даврда ишчиларга тўланган ойликдан ноўрин ушлаб қолинган қисми қайта ҳисобланиб, уларга қайтарилган.

Фельетон Чирчиқ пойафзал фабрикасининг кенгайтирилган партия мажлисида кўриб чиқилган. Бунда 2-филиал ишчилари ҳамда «Узкожобувпром» саноат бирлашмасининг вакили қатнашган.

Жавобда шунингдек, 2-филиалда ишни яхшилаш, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор тадбирлар белгиланганлиги айтилади.

СЎЗ МАРОМИ ИШ БИЛАН

ҚИШЛОҚ меҳнат аҳлининг иши қайнаган, вақти тиғиз. Бир ёқда пахта, каноп, маккажўхори ниҳоллари парвариш талаб. Бедага ўроқ тушган. Иккинчи ёқда ипак қурти айни даҳага кириб ҳаммани шоширган. Бундай долзарб пайтларда хўжалик идорасига барвақт борилмаса, раҳбарларни учратиш қийин.

Биз Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз идорасига кечикиброқ бориб, ана шундай аҳволда қолдик. Раис билан бош агроном райондан келган вакил ҳамроҳлигида ғўзаларнинг аҳволини текширгани бригадаларга чиқиб кетишибди. Партком секретари Қумри Алимова бир группа пиллачиларга бош бўлиб, ипак қуртига даста келтириш учун қирга жўнабди.

Идора қоровулининг маслаҳати билан Турсунмурод Бобоёров бошлиқ 8-бригада даласига йўл олдик.

Мўлжалимиз тўғри чиқди. Район агротехника совети аъзоси Эргаш ака Сотволдиев хўжалик раҳбарлари билан бригада ғўзаларини кўздан кечириб бўлиб, дала шийпонида суҳбатлашаётган экан.

— Балли, Турсунмурод, иш деган мана бундай бўпти,— дейди у бригадирнинг алкасига мамнун қўл ташлаб. — Тунов куни маслаҳатларни ерга ташламабсан. Мана натижаси — ғўзалар яшнаб кетибди.

— Республика Олий Советининг депутати бўлгандан кейин ғўзаси ҳам намуна кўлиб кўрсатишга арзийдиган бўлиши керак-да, — суҳбатга қўшилди Чиноз қишлоқ Советининг раиси Исмоил Ибраҳимов.

— Бунинг учун аввало, механизаторимиз Асрор Собировга раҳмат денглар, — дейди бригадир камтарлик билан. — Қатқалоқни юмшатишда, биринчи культивацияни сифатли ўтказишда жон куйдириб ишлади.

Колхоз раиси Мутал Абдуллаев суҳбатга якун ясади:

— Ҳамма ҳам эллик центнерчилар ташаббусига қўшилавермайди. Сизлар ҳамон шунга жазм қилибсизлар, бу ёғини ҳам бўшаштирманглар. Ҳа, жўжани кузда санайдилар.

— Кўнглингиз тўқ бўлсин, раис ака, 50 центнерлик маррани эгаллаш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни бекаму-кўст бажараверамиз, — деди бригадир қатъий.

Текширув группаси аъзолари бу ердаги аҳволдан тўла қаноат ҳосил қилиб Муассар Абдуллаева бошлиқ бригада далаларига ўтишди. Ҳамма карталарда ғўзалар текис ривожланяпти. Культивация чуқур ўтказилган. Райондан келган вакил дезрли ҳамма карталарни айланиб, ўн-ўн беш ерда кўчат қалинлигини махсус ўлчагич ёрдамида ҳисоблаб кўрди. Чакки эмас. Аммо, дала шийпонига қайтишгач, бригада бошлиғини бироз койиди:

— Юзакироқ қараганда ғўза ёмон эмас, кўчат текис. Лекин синчков одам дангасалликка, эътиборсизликка йўл қўйилаётганини дарров сезади. Область пахтакорлар Советининг тавсияларини аъзолар ўртасида яхшилаб ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто ўзинг бир марта ўқиб ҳам кўрмабсан.

— Ундай деманг, Эргаш ака...

— Гапимни бўлма. Сендек тажрибали бригадирга ҳосил кўчатдан эмас, ҳосилдан аниқланади» деб насиҳат қилишга ҳожат йўқ. Аммо, ишни била туриб қилмаслик — дангасалик ва эътиборсизликдан бошқа нарса эмас. Карталарнинг трактор қайтган ерларига, ўқариқларнинг икки бетига қўлда чигит ташланмаган. 60 гектар майдон ҳисобидан қанча ер чиқитга чиққан, агар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариладиган бўлса, неча тонна пахта йўқотилади? Ҳисоблаб кўрмагансан-да, бепарволик қилясан.

Бригадир ўзини оқлашга ҳар қанча уринмасин Эргаш ака унинг сўзларини инобатга олмади. Одати шунақа. Ишда оз бўлсада нуқсон борлигини пайқадими, тутоқиб кетади. Асл деҳқон бунга йўл қўймаслиги керак, дейди. Чунки ўзи ана шундай асл деҳқонлардан. Дастлабки коллектив хўжаликларни барпо этиш, колхоз тузумини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшган меҳнат ветеранларидан. Оддий дала меҳнатчисидан то колхоз раиси лавозимларигача кўтарилган. Айниқса, пахтани севади. Шунинг учун бўлса керак, қарилик пенсиясида бўлишига қарамай, район агротехника совети аъзоси сифатида тинимсиз дала кезади, райкомни жойлардаги ҳақиқий аҳволдан хабардор қилиб туради.

Ҳозир ҳам Муассар Абдуллаева унинг койишларини сукут сақлаб эшитди, қайта гапини бўлмади, маслаҳат берганида «хўп бўлади» деб турди.

— Бирор ҳафтадан сўнг яна келаман,— деди Эргаш ака ниҳоят,— камчиликларни тугатсанг яхши...

— Эргаш ака, — деди у,— эндиги келишингизга ҳамма иш жойида бўлади, ахир биз ҳам сўзининг устидан чиқадиганлардан.

— Ана бу гапинг бошқа, қизим. Биламан сени, айтганингни қиласан...

Эргаш ака чақчақлик билан машинага ўтирди. Текширувчилар Тўхли Иброҳимов бошлиқ 4-бригада далаларига йўл олдилар. Бу бригада аъзолари 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш мажбуриятини олишган. Ер шароитини ҳисобга олганда бу юқори натижа. Чунки, карталарда ўртача 110 минг тупдан ортиқ кўчат қолдириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам агротехника совети аъзоси биринчи навбатда кўчат қалинлигини текшириб кўрди. Ягона ўтказилган майдонларнинг ҳаммасида 100—110 минг тупдан кўчат қолдирилибди. Ниҳоллар бақувват ривожланмоқда. Бундан хурсанд бўлган Эргаш ака бригадирни саволга тутди:

— Ўтган сафарги наказлар ҳам бажарилдими?

— Бажаряпмиз, — дудмал жавоб берди бригадир.

— Тугатмадиларингми ҳали? Ундай бўлса ўзингдан кўр, айтган ҳосилингни ололмайсан. Тушунсанг-чи, ахир, чигитнинг кеч ва нотекис униб чиққанлигининг сабаби — ерни текислаш пайтида тупроқнинг унумдор юза қатлами сурилиб кетган. Бу ердаги ғўзани бошқа карталарга етказиб олиш учун аллақачон енгил сув бериб бўлишинг керак эди.

— Бўгун десам алдаган бўламану, аммо эртага тушгача сув оёқлайди, албатта, — жавоб берди бригадир.

Эргаш ака бошқа гапирмай машина томон юрди. Ҳамма унга эргашди.

Улар Баҳром Умаров етакчилик қилаётган бригадада қизиқ бир муаммога дуч келдилар. Ҳамма картадаги ғўзалар соғлом ва дуркун ўсаётган бўлса, битта картадаги ниҳоллар туш пайтида ҳарорат кўтарилганда, бўшашиб, сўлиб қолаётганга ўхшайди. Сабаби нима? Тупроқдаги намлик бошқа карталардан фарқ қилмайди-ку?

— Оқсоқол қандай маслаҳат берадилар, — деди Эргаш ака ниҳоят билан қишлоқ совети раисига юзланиб. — Ахир Исмоилжон ҳам илғари юқори ҳосилли бригадалардан бирини бошқарган.

— Менимча эгат оралатиб енгил сув бериш керак, — деди қишлоқ советининг раиси. — Чунки бу картада бироз шўр борга ўхшайди.

— Тўғри, — деди бригада бошлиғи Баҳром Умаров. — Мен ҳам шуни ўйлаб юрувдим.

Бу фикрни раис билан бош агроном ҳам маъқуллашди. Бир қарорга келингач, бугунги текширув натижаларига шу дала шийпонида якун ясалди. Биринчи бўлиб бош агроном ўз фикрини баён этди:

— Бу йил 840 гектар майдоннинг ҳаммасига 90х8х1 схемасида кенг қаторлаб чигит экдик. Ер шароитимиз шуни талаб қилади. Кўчат ҳам ўртача 130 минг туп бўлиши керак. Биз ягона пайтида шунга асосландик.

Эндиги вазифамиз июнь ойининг биринчи беш кунлигида ғўзаларни тўла шонага киритиб олишдир. Чунки, ғўза ёппа шоналамагунча сув бермасликка қарор қилдик. Ана шунда ҳосил нишоналари мўл бўлади.

Колхоз раиси шу кунларда олиб борилаётган ташкилий ишлар, хўжалик аъзоларини ғўза парваришига оммавий сафарбар этиш тадбир—чоралари тўғрисида гапирди:

— Правление аъзолари, тажрибали пахтакорлар ва илғор бригада бошлиқларидан иборат сифат комиссияси тузганмиз. Комиссия аъзолари мунтазам дала кезиб, агротехник ишловнинг сифатини кўздан кечириб борадилар. Ҳар 10 кунда текширув натижалари муҳокама қилиниб, ғолиб бригада коллективларига 50 сўмдан 70 сўмгача пул мукофоти ва колхознинг кўчма Қизил байроғи топширилади. Яхши парвариш қилиниб, ғўзаси текис ва дуркун ривожланаётган карталарга «Сифат белгиси» берилади. Амалга оширилаётган бу тадбирлар яхши самара бераётир. Дала ишлари тез ва соз бажарилаяпти.

Эргаш ака Сотволдиев охирида сўз олди:

— Ҳали раис «жўжани кузда санайдилар» деб тўғри айтдилар, — деди у. — Ҳамма бригадаларда ғўзанинг умумий аҳволи яхши. Аммо, мўлжалдаги ҳосилни олиш учун бундан кейин ҳам ишни бўшаштирмаслик керак.

Дарҳақиқат, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ишлар талайгина. Буни колхозчилар ҳам яхши билишади. Шунинг учун улар бемаврид ёғин-сочинга ҳам, ёзнинг жазирама иссиғига ҳам ҳар томонлама шай бўлиб иш юритмокдалар. Бу эса юксак хирмон уйишнинг муҳим шартидир.

А. ИЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

С Е Н А Ж БОСТИРИЛМОҚДА

БУ ЙИЛ озуқа экинларидан мўл ҳосил етиштириш, ем-хашак тайёрлашни янада кўпайтириш ташаббуси билан чиққан «Политотдел» колхози меҳнаткашлари сенаж бостиришни қизғин бошлаб юбордилар. Хўжаликда ҳозирнинг ўзида 800 тонна сенаж бостирилди. Бу ишда механизаторлардан Узоқбой Қурбоналиев, Яков Ким, Нурмат Қораев ва бошқалар самарали меҳнат қилишмоқда.

Колхозда бу йил 4000 тонна сенаж бостириш мўлжалланган. Чорва моллари учун, шунингдек 13 минг тонна силос бостирилади, 2000 тонна хашаки лавлаги жамгарилади.

А. ШАХАНОВ.



Умрзоқ Алимқулов бошлиқ бригада Коммунистик районидаги Свердлов номли колхознинг юқори ҳосилли коллективларидан биридир. Бу йил 40 гектар ерга чигит ташлаган аҳил коллектив ҳосилдорликни камида 50 центнерга етказиш учун курашмоқда. Бригадада барча дала ишлари намунали уюштирилган. Кўчма заправка станцияси бевосита далаларга чиқиб, ғўзага ишлов бераётган тракторларни ёқилғи билан таъминламоқда. Натижада иш тўхтовсиз давом этаётир. Ниҳолларга сифатли ишлов беришда, айниқса, механизатор Зокир Дадахўжаев намуна бўла ётир.

Е. Ботиров фотолари.

ЖАНГОВАР АВАНГАРДИ

КПСС тарихини революцион кураш ва большевистик партияга кириб келган, синфий жангларда қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, ленинча ғоявий чиниқиш ва назарий тайёргарлик мактабини, оммага раҳбарлик қилиш санъатини эгаллаган оташин ва толмас революционерлар, партия ва давлат арбобларининг ҳаёти ва фаолиятисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Булар улуғ Ленининг сафдошлари ва инқилоб ғояларининг актив тарғиботчилари (Адоратский, Арманд, Артём, Азизбеков, Бабушкин, Бауман, Володарский, Войков, Воровский, Крупская, Коллонтай, Урицкий, Цюрупа, Шелгунов, Ярославский ва бошқалар), партия ва давлат арбоблари (Дзержинский, Жданов, Калинин, Киров, Куйбишев, Орджоникидзе, Свердлов, Сталин, Шаумян) ва бошқа ўнлаб, юзлаб оташин революционерлардир. Ўзбек Совет Энциклопедиясида бу барҳаёт сиймоларнинг ҳар бири ҳақида биографик мақолалар берилиб, жуда тўғри иш қилинган.

Шунингдек, қомусхон ЎзСЭ жилдларини варақларкан, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолари, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, Олий Советлари Президиумлари раислари, Министрлар Советларининг раислари ҳақидаги биографик маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбек Совет Энциклопедиясининг яна бир катта ютуғи шундаки, унда КПССнинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихини, унинг босиб ўтган жанговар ва шонли йўлини марксча-ленинча илмий позицияда, назарий ҳулосалар ва умумлашмалар, аниқ тарихий ва конкрет маълумотлар билан ёритилган. Бизнингча, Ўзбекистон Компартияси тарихини анча яхши, пухта ва энциклопедик талабларга жавоб бераоладиган савияда ёзилишида шу соҳалар бўйича катта тадқиқот ишлари олиб борган тажрибали авторлар коллективи — Э. Юсупов, Ҳ. Турсунов, М. Назаров, М. Мусаев, Т. Жўраев, М. Ваҳобов, Р. Нуруллин, А. Ҳамидхўжаев, Й. Ибрагимов ва бошқа шу каби олимларнинг хизмати катта.

ЎзСЭдаги **Ўзбекистон Коммунистик партияси** (13-жилд) мақоласида республика территориясида тузилган дастлабки социал-демократик ташкилотларнинг иши, большевистик ташкилотларнинг тузилиши ва уларни Туркистонда Октябрь революциясини тайёрлаш ва ўтказишда асосий роли, Ўзбекистонда социалистик ва коммунистик қурилиш ишидаги раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолияти муҳим илмий далиллар асосида очиб берилган. Мақоланинг қиммати шундаки, унда республика партия ташкилотининг фаолияти хронологик изчиллик билан ифодасини топган. **Туркистон большевистик ташкилотларнинг биринчи ташкилий ўлка съезди, Туркистон комиссияси, ВКП(б) МК Туркистон Бюроси, ВКП(б) МК Ўрта Осиё Бюроси, Ўрта Осиё Совет республикаларининг миллий давлат чегараланиши, ер—сув ислоҳоти, маданий революция** ҳақидаги мақолалар Ўзбекистон Компартиясининг республикада ленинча миллий сиёсатини амалга оширишдаги бой ва мазмундор, фаолиятини илмий асосда яна ҳам чуқурроқ очиб беришга хизмат қилган.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг съездлари (13-жилд) ҳақида тарихий хронологияга риоя қилинган ҳолда алоҳида ихчам мақолалар берилган. Ўқувчи бу мақолалардан республика партия ташкилотининг ҳозирга қадар ўтган 19 та съезди, уларда кўрилган масалалар, иштирок этган делегатлар сони, қабул қилинган қарорлар ва ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар ола билади. Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, ЎзСЭ жилдларида Ўзбекистон Компартияси фаолиятидаги муҳим воқеалар, партия қурилиши, партия ўқуви, матбуоти ва бошқа масалалар ҳам ёрқин ифодасини топган.

Энциклопедияда Ўзбекистоқ Компартияси тарихи масалаларини ёритиш хусусида гап кетганда, республика партия ишини ташкил этиш ва унинг сиёсатини амалга оширишда актив иштирок қилган таниқли партия ва давлат арбобларининг фаолиятлари ва хизматларини қай даража ёритилганлиги масаласига тўхталиб ўтишга тўғри келади. ЎзСЭ нашрларида Туркистонда революцион ғояларни пропаганда қилишда актив иштирок этган социал-демократлар (Бакрадзе, Корнюшин, Литвишко, Морозов, Худаш), Ўзбекистонда социалистик революцияни амалга ошириш ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашган большевиклар (Бабушкин, Бауман, Голощекин, Кабозев, Ляпин, Манжара), Туркистон комиссарлари, Ленин йўлланмаси билан Ўрта Осиёга келиб босмачиларга қарши кураш ва социалистик қурилиш ишини ташкил этишга раҳбарлик қилган партия ва давлат арбоблари (Куйбишев, Фрунзе, Рудзутак) ҳамда бевосита маҳаллий аҳоли орасида етишиб чиққан партия ва совет раҳбарлари (Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов ва бошқалар) ҳақида биографик мақолалар берилганки, сиз улардан бу ажойиб коммунистларнинг КПСС ленинча миллий сиёсатини амалга оширишда кўрсатган ташкилотчилик фаолиятлари ва катта хизматлари тўғрисида янги маълумотлар оласиз.

Умуман олганда, шонли партиямиз, унинг таркибий қисми ва жанговор отряди — Ўзбекистон Коммунистик партияси тарихи ва фаолияти қомус саҳифаларида анча яхши ёритилган. КПССнинг ҳозирги вақтда совет халқининг авангарди сифатида коммунизм қурилишида раҳбарлик роли ортиб бораётганлиги очиб берилган.


Ҳар қандай асар камчиликлардан ҳоли бўлмаганидек, ЎзСЭ нашрларида ҳам баъзи юқорида қайд этган масалаларни ёритишда айрим жузъий нуқсонларга йўл қўйилган. Баъзи мақолаларда чуқур илмий ва назарий фикрлар етишмайди. **Совет Иттифоқи Коммунистик партияси** мақоласининг хотима қисмида партиямиз тарихининг ҳар бир муҳим даври ҳақида, ундаги тўпланган тажриба ҳақида илмий хулосалар ва назарий умумлашмалар берилганда ўқувчига материални яна ҳам ёсон ва чуқурроқ ўзлаштиришга ёрдам қилинган бўлур эди. Мазкур мақолада партиянинг ҳар бир съезди ҳақида анча кенг тўхталиб ўтилади ва ўша съездлар ҳақидаги мақолаларга ҳавола қилинади. Бинобарин, бу съездлар ҳақида ЎзСЭнинг бошқа жилдларида алоҳида-алоҳида мукаммал мақолалар берилган экан, улар тўғрисида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мақоласида кенг тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ эди, шунда такрорга йўл қўйилмаган бўларди. Худди шу фикрни **Ўзбекистон Коммунистик партияси** мақоласига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

ЎзСЭ саҳифаларида Ўзбекистонда Совет ҳокимятини мустаҳкамлаш, социализм қурилишида иштирок этган шахслар ҳақида биографик мақолалар берилиб яхши иш қилинган. Лекин, улар миқдор жиҳатидан жуда кўп. Бизнингча, уларга нисбатан махсус бир критерий асосида ёндошиб, партия ва давлат арбобларининг энг йирик ва машҳурларигина саралаб берилганда маъқул иш қилинган бўларди. Яна шуни айтиш керакки, бу мақолаларни ёзишда энциклопедия учун хос бўлган бир хил принцип, схема ва услубга риоя қилинмаган.

Умуман, бу жузъий нуқсонларга қарамай, қомус марксизм-ленинизм классиклари асарларини, шонли партиямиз революцион таъдимотини, унинг тарихини ўрганувчилар учун ҳам мазмунли маълумотларни ўзида мужассамлантирган муҳим ва ишончли илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Қ. ҲАСАНОВ,
тарих фанлари доктори,
Б. СИДДИҚОВ,
О. БЕГМАТОВ,
тарих фанлари кандидатлари.

Дунё овози
чет эл хабарлари



БОЛГАРИЯ. Димитровград шаҳридаги полиэфирли ипакни қайта ишловчи янги комбинат тўла қувват билан ишлай бошлади. Бу мамлакатдагина эмас, бутун Европада ҳам энг замонавий тўқимачилик корхоналаридан биридир. Бу ерда энг мураккаб жараёнларни фақат автоматлар бажаради. Суратда: корхонанинг тўқув цехида.

БТА—ТАСС фотоси.

АМЕРИКА—ЭРОН ТАНГЛИГИ ХУСУСИДА

ВАШИНГТОН, 20 май. (ТАСС). Суверен Эрон Ислом Республикасига қарши янги ҳарбий ҳаракатлар тайёрлаш йўлига ўтган расмий Вашингтон Америка — Эрон муносабатларидаги танглик тезваракига жазавани тинимсиз қучайтирмоқда.

Оқ уйда яширинча маҳфий тарзда ўтказилган навбатдаги кенгашда маъмурият-нинг Эрон хусусидаги сиёсати, жумладан, Вашингтон шу мамлакатга қарши ўзининг Ғарбий Европадаги иттифоқчиларига мажбуран қабул қилдирган «жазо чоралари» муҳокама қилинди. Кенгашда президент Ж. Картер, давлат секретари Э. Маски, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бзежинский, шунингдек Вашингтон маъмуриятининг бошқа юқори мансабдор арбоблари ҳозир бўлдилар.

Маъмурият расмий вакиллари айтаётган гаплар Оқ уйнинг Эрон хусусидаги тангликни тинч воситалар билан ҳал этишдан бош тортаётганлигидан далолат беради. Матбуотнинг хабар қилишича, Оқ уй ходимларидан бири Эрон ҳукумати шаънига йўл қўйиб бўлмайдиган ҳақорат гаплар айтиб, Теҳронда Эронга қарши жосусликда айбланиб гаровга ушлаб турилганлиги ҳаммага маълум бўлган америкаликларни озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал эта оладиган ҳокимият йўқ, деб даъво қилган.

Қўшма Штатларда гаровга ушлаб турилган жосусларни озод қилиш йўли хусусида тобора телбанома фикрлар кун сайин пайдо бўлиб турибди. ЮПИ агентлигининг хабар қилишича, Пентагонга, масалан Теҳронга асабни бузиб, фалаж қилиб қўядиган газ тўлдирилган бомбалар ёғдириш, ядро қуроли ишлатиб, Эрон шаҳарларини ер билан яксон қилиш, Эронга Марказий разведка бошқармаси кўнгиллилари бошқарадиган ва ичига нейтрон бомба жойлаштирилган самолётларни юбориш ҳамда бевосита агрессия ҳаракатлари йўли билан гаровдагиларни қутқариш тўғрисидаги ва шу каби таклифлар тушмоқда.

Эронга яна бостириб киришга зўр бериб тайёргарлик кўра бошлаган вашингтонлик стратеглар шу мамлакатга қарши қилинган қуролли агрессиядан ҳеч қандай сабоқ олмаганликларини кўрсатиб турибди. Шу мақсадда Калифорния штатининг Порт-Хьюзним портида «Форс кўрфази районига юбориш учун» кўп миқдордаги ҳарбий техника ва бошқа анжомлар зудлик билан келтириб қўйилмоқда. Американинг 37 та ҳарбий кемаси, шу жумладан, ядро қуроли элта оладиган, истал-ган вақтда Пентагоннинг буйруғи билан Эроннинг территориясига бомба ташлаб келишга тайёр турган 400 та қирувчи-бомбардимончи самолёт жойлашган тўртта авианосец Арабистон денгизи сувларида изғиб юрибди. АҚШнинг 34 минг ҳарбий хизматчиси шу регионга келтириб қўйилган.

ТЕҲРОН, 20 май. (ТАСС). Форс ва Уммон кўрфазларида Эрон қуролли кучларининг уч тури — ҳарбий-кучлари, ҳарбий ҳаво кучлари ва қуруқликдаги қўшинларнинг биргаликдаги катта машқи ўтказилмоқда. Ташқаридан бўлиши эҳтимол тутилган агрессив ҳаракатларни даф қилиш учун Эрон армиясининг жанговар шайлигини ошириши лозим бўлган бу машқда Эрон президенти Банисадр ҳозир бўлмоқда.

У Бендер-Аббосдаги оммавий митингда сўзга чиқиб, Эрон АҚШнинг ҳарбий ва иқтисодий дўқ-пўписасига муваффақиятли қарши турганини, шунингдек, Америка империализми билан марказий бошқа мамлакатлар Эрон тезваракига ўрнатишга уринаётган қамал натижасида вужудга келган ички иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муваффақиятларга эриша олганини таъкидлади.

Шу билан бирга бу ердагилар аксилинқилобчи унсурлар ва империалистларнинг агентлари Эрон революциясига қарши тўхтовсиз давом эттираётган кирдикорлар, уларнинг Эрон армиясида ҳам қучайтираётган кўпорувчилик ҳаракати хусусида безовталик изҳор этмоқдалар.

Шу муносабат билан Эрон қуролли кучларининг Ислом трибунали баёнот эълон қилиб, аксилинқилобчиларнинг кирдикорларига зарба бериш плани бўлган армиянинг бирлиги ва жипслигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Трибунал мана шу жиноятларни қилишга айбдор бўлган ҳамма кишиларни армия ислом суд органларига топшириш учун масъулиятни бўлинмалар ва қисмларнинг командирлари зиммасига юклади.

УГАНДАДА ВАЗИЯТ

КАМПАЛА, 20 май. (ТАСС). Уганда Миллий озодлик фронти ҳарбий комитети раиси П. Муванга бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида қуйидагиларни маълум қилди: Угандада парламент ва президент сайлови бундан илгари белгиланганидек, шу йил декабрь ойидан кечиктирмай, эҳтимолки бундан ҳам илгарироқ ўтказилади.

Ҳозирги маъмуриятнинг асосий вазифаси деб уқтирди у, халқни тинчлик билан таъминлаш ва мамлакатнинг ривожланиши учун тегишли шароит яратишдан иборатдир. Миллий озодлик фронти ҳарбий комитетининг аъзоси Г. Бинаиса порахўрлиги ва трайбализмга қўлмийлик қилганлиги учун олиб ташланганлигини айтди.

Ташқи ишлар министри О. Алимади ўз навбатида Кампалада ажнабий дипломатлар билан учрашувда сўзлаган нутқида президент Г. Бинаисанинг ҳокимиятдан четлаштирилишига боғлиқ воқеалар аҳоли барча қатламларининг манфаатларини кўзлайди ва бундан «ҳеч ким бир томонлама устунликка эга бўлмайди», деб таъкидлади. У ҳукумат чинакам эркин ва демократик сайлов ўтказилиши учун барча зарур чораларни кўради, деб ваъда берди.

Кампалада ҳукумат составида қисман ўзгаришлар бўлганлиги ва янги кишилар тайинланганлиги эълон қилинди. Фронт ҳарбий комитети М. Нгобини президент ишлари министри қилиб тайинлади. У олдин эгаллаб турган кишлоқ хўжалик министри лавозимига С. Мугвис тайинланди. Фронт ҳарбий комитетининг иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи махсус ёрдамчиси вазифасига П. Канъомози белгиланди. Ҳарбий комитетнинг турли масалалар бўйича бир қанча ёрдамчилари лавозимлари ҳам белгиланди.

ВИЗИТ ТУГАЛЛАНДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов билан Руминия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий Ижроия комитети аъзоси, РСР ҳукумати Бош министри И. Вердец ўртасидаги музокаралар 20 майда Кремлда тугалланди.

Музокаралар вақтида икки томонлама асосда шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида кўп томонлама асосда иқтисодий ҳамкорлик масалаларини қараб чиқиш давом эттирилди.

Музокаралар якунлари асосида қўшма ахборот келишиб олинди. Қўшма ахборот матбуотда эълон қилинади.

* * *

Шу куни Кремлда СССР билан РСР ўртасида ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперациялашни ривожлантиришнинг узоқ муддатли программаси имзоланди.

Программани СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. К. Байбаков ва РКП Марказий Комитети Сиёсий Ижроия комитетининг аъзоси, РСР ҳукумати Бош министрининг ўринбосари Н. Константин имзоладилар.

Имзолаш вақтида А. Н. Косигин, Н. А. Тихонов, И. Вердец, К. Буртикэ, бошқа совет ва румин расмий ходимлари ҳозир бўлдилар.

* * *

В. Вердец тушдан кейин Москвадан Бухарестга жўнаб кетди. Аэродромда уни А. Н. Косигин, Н. А. Тихонов, К. В. Русаков, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

КОБУЛДА ВИСТАВКА

КОБУЛ, 21 май. (ТАСС). Кобул муниципалитети залида «Москва — Олимпиада пойтахти» фото виставкаси очилди. Виставкага СССРда спорт ҳаракатининг ривожланиши тўғрисида, Москвада Олимпиада ўйинларига тайёргарликнинг бориши ҳақида ҳикоя қилувчи рангли ва оқ-қора фотосуратлар қўйилган.

Виставканинг очилиш маросимида АХДП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, АДР маориф министри Анахита Ротибзода хоним, АХДП Марказий Комитетининг аъзоси, АДР ташқи ишлар министри Ш. М. Дост, АХДП Марказий Комитетининг, Революцион кенгашининг аъзолари, Афғонистон жамоатчилигининг намоёндалари, Кобулдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Анахита Ротибзодахоним маросимда ҳозир бўлганлар ҳузурида нутқ сўзлаб, бу виставканинг очилиши муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди. Виставка афғон халқига Совет Иттифоқида спорт ҳаракати муваффақиятлари билан яқиндан танишишга имкон беради. Афғон халқи деди у, Олимпиада-80нинг Москвада ўтказилишини табриклайди. АҚШ бошчилигидаги империализм кучлари Олимпиада ҳаракатига путур етказишга уринишларига қарамай, Олимпиада ўтказилаверади. Бу виставка деди у, иккала қўшни мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни яна бир ёрқин ифодаси бўлиб шу муносабатларнинг янада ривожланишига кўмаклашади.

СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА



МАҲОРАТ САРИ

АМЕЯ НГИЯ,
Конго, «Офис» миллий кино идорасининг директори

Тошкент кинофестивалида қатнашиш ҳақидаги таклифномани бажонидил қабул қилдим. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг бу кинофестивали Африкадаги кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг кино учун ўзига хос ажойиб маҳорат мактаби бўлиб қолади деган фикрдаман. Ҳозирча менинг мамлакатим санъаткорлари диққатга сазовор бўладиган жуда катта баркамол фильм яратишмаган бўлса ҳам, ниятимиз яқин келгуси йиллар ичида амалга ошиши турган гап. Бу ишда Тошкент фестивали каби халқаро кўриклар чинакам қудратли куч беради ва яхши омил бўлиб қолади. Чунки биз бундай анжуманда кўп нарсаларни ўрганамиз, ижодий режаларимизни белгилаб оламиз.

Мен Ўзбекистон пойтахтига биринчи марта келишим. Журналист ва кино ижодкори сифатида шу нарсани айта-оламанки, Тошкент чиндан ҳам фахрланса арзийдиган гўзал шаҳар экан. Унинг овозаси ҳақида кўпгина илиқ гапларни эшитгандим. Эндиликда бу шаҳарда оддий ва ҳурматли меҳмон бўлиб турибман. Унинг кўчалари, майдонлари, маданият даргоҳлари менга манзур бўляпти. Бу ерда фақатгина кино, санъат, маданият эмас, балки қурилиш, архитектура, хўжалик ишлари жуда ҳам тараққий этган кўринади. Тошкент менда ҳар томонлама катта таассурот қолдирмоқда.

Менинг мамлакатимда Совет Иттифоқида суратга олинган фильмларни қизиқиш билан кўришади. Улуғ Ватан уруши ҳақида тўлақонли ҳикоя қилувчи «Ҳалоскорлик» фильми қизиқиш билан намойиш этилган. Айни пайтда бизда болалар фильмларига бўлган талаб ҳам катта. Биз келгусида фарзандларимизни қувонтирадиган ажойиб фильмлар намойиш эта олсак ёки ўз кучимиз билан яратсак бехад қувонар эдик.

БАХТИЁРМАН

МИНЕКШИ АНЕНД,
непаллик киноактриса



Мен Советлар Иттифоқи ва унинг серқуёш ўлкаси бўлган Ўзбекистон ҳақида жуда кўп ўқиган ва эшитгандим. Орзуим ана шу диёрда бўлиш, унинг кишилари билан яқиндан суҳбатлашиш эди. Кино санъаткорларининг фестивали менга ана шу қулай имкониятни яратиб берди.

Ўзбекистон пойтахтига қадам қўйишим билан ўзимни жуда ҳам енгил ҳис қила бошладим. Бу ўлканинг чақнаган қуёши, кенг ва равон кўчаларининг одамларга гавжумлиги, транспортнинг бетиним қатнови менга ёқди. Айниқса, ўзбек аёлларининг маданиятли эканлигини қизиқиш билан кузатдим.

Тошкент фестивали ўзининг кенг маъноли мазмуни билан менга жуда ҳам манзур бўлмоқда. «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар озодлиги учун» деган шиор шу учлала қитъадаги биргина кино санъаткорларининг эмас, балки турли миллатлар ва турли халқларининг фикри-зикрига жуда ҳам монанд келади. Менинг мамлакатим санъаткорлари фестивалига катта қизиқиш ва умидлар билан келишди. Биз бу ерда «Синдур» («Келинлик нишони») бадиий фильмини намойиш этиш ниятимиз бор. Бу фильмда бош ролни ижро этганман. Фильм мамлакатимизда мавжуд бўлган қадимий миллий—урф одатлар, Непал хотин-қизларининг аянчли тақдири, уларнинг бошидан кечирган машаққатли кунлари, ҳамиша мушкул иш тушганда чорасиз қолишлари ҳақида ҳикоя қилади. Картинада турмушимиздаги ярамас иллатлар кескин қораланган.

Бу фильм Тошкент томошабинлари ва фестиваль қатнашчиларига манзур бўлса мен ўз бурчимни адо этганман деб ҳисоблайман.

НАВОИЙ МЕҲМОННАВОЗЛИК ҲАҚИДА

Инсоннинг инсонлик фазилати уни ҳар доим юксакликда тутади. Эл-юрт учун ғамхўрлик, кўпчиликка ҳурмат, шахсиятпарастлик ва манфаатпарастликдан нафратланмоқ ана шу фазилатларнинг узвий бўлагидир. Ман-манлик, шуҳрат ва ном чиқармоқ мақсадида беҳуда ҳатти-ҳаракатлар қилмоқлик кишини фақат тубанлаштиради. Исрофгарчилик ҳам шулар жумласидандир.

Мана улуғ устозларнинг сўзлари. Ўзбек халқининг доҳий мутафаккири ва мураббийси, буюк Алишер Навоий исрофгарчиликни қатъий қоралар эди. Ном қозониш мақсадида бўлар-бўлмасга сарф-чиқим қилабермоқ ақл ҳисобидан узоқдир, бундай саҳийликдан кўра баҳиллик афзал, дейди Навоий киноя билан:

Сочмоқ овуч бирла гуҳар от учун
Нақд этак бирла мубоҳот учун
Ақл ҳисобидин эрур бас йироқ
Бу хил бу жудуигдин эрур яхшироқ.

Беҳуда исрофгарчилик жиннилар ёки маст одамларнинг ишидир. Мастлар ва жиннилардан эса одам деб ҳисобламоқ мумкинми?

Бўлди бу иш маст ила мажнун иши,
Маст ила мажнун нега бўлғай киши?

Навоий яна огоҳлантирадики, оч бўлмаганларга дастурхон ёзмоқ, ялангоч бўлмаганларга тўн кийгизмоқ, юз йилқиси бор одамга от совға қилмоқ қуёш нурини кучайтирмоқ учун кундуз куни юзта шамни ёқиб қўйганга ўхшайди. Ёки қақраб ётган боғлар устидан ўтиб кетиб сувини тоғларга тўкиб булутнинг қилган ишига монанддир.

Уйла, булутдекки, қуруқ боғ уза
Ёғмай ўтиб сувин тўкар тоғ уза.

Навоий «Садди Искандарий» китобида меҳмоннавозлик қоидаларини бирма-бир баён этган.

Биринчи қоида меҳмонни очиқ чеҳра билан кутмоқлик.

Бурун лутфу беҳадду поён қилиб
Очиқ юз била тулку эҳсон қилиб
Юзин мисли гулбарги хандон очиб
Яна олида гул каби хон очиб.

Меҳмон нонга қўл узатгунча мезбон ўз илкини сақлаши керак. Яна бир қатъий шарт — меҳмон хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо, уларга баб-баравар муомала қилиниши керак. Бир эски чопон одам келса у кўнгил мулкининг шоҳи бўлиб чиқиши мумкин. Қўёш олтин қасрга ҳам, харобага ҳам баб-баравар нур сочадику!

Навоий меҳмон кутгандаги исрофгарчиликдан сақланишни яна қатъий таъкидлайди:

Бир улким, киши бўлса меҳмон санга
Қулиб сели исроф тугён санга
Иўқ ойини иззатфизолиг учун
Ки шуҳрат била худнамолиг учун
Бирав олиға хон чу келтургасен
Киши бир, вале ўн қўй ўлдургасен.

Маълумки, керагидан ортиқ таом ва ичимлик одам учун заҳар кабидир. Меҳмони ҳадеб таомга қистайберши унга ёлбориб заҳар ичказмоқ билан баробардир.

Пайо-пай асонқурни (таомни) айлаб равон
Емакдин бўлиб ожиз ул нотавон
Анга сен едурмак учун сўз била
Тикиб кўзни, они сбон кўз била
Анинг олиға ҳар табақким, етиб
Ҳамул ош таъмини таъриф этиб
Борин ул есун деб, бу авсоф эрур
Бу бедод қилмоқ не инсоф эрур
Не қилмиш бу меҳмони ўлдургасен
Анга ялбориб заҳр едургасен...

Навоийнинг маслаҳатига кўра меҳмонга хуш келадиган ва мезбоннинг қўлидан келадиган нарсалар очиқ юз билан меҳмон қошига қўйилмоғи керак, меҳмонга ҳеч қандай мажбурият юкламаслиги лозим.

Емакка анча ҳарне дирҳур эса
Сенга доғи неким муяссар эса
Очиқ юз била чек анинг қошига
Вале истама музд подошига

Ана шундай йўсинда меҳмон кутган киши доно кишидир. Унга таҳсинлар бўлсин.

Зиёфат бу навъ бўлса ойин санга
Керак мезбонликда таҳсин санга.
Бу янглиғ киши мезбон камдурур
Агар бўлса донойи оламдурур.

Бизнинг замонамиз мўл-кўлчилик, бахтиёрлик ва фаровонлик замонаси. Кишилар бу мўл-кўлчиликни қадрлаб беҳуда исрофгарчиликларга йўл қўймай ўз турмушларини ҳушмуомала ва меҳмоннавозлик санъатининг нафосати билан безаб кун кечирсалар қандай яхши!

Азиз ҚАЮМОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

МУРАББИЙ, УСТОЗ

Маса ака Мусоқов бир неча йиллардан бери В. И. Ленин номли 9-ўрта мактабда тарих фанидан ўқувчиларга пухта билим бериб келмоқда. Ўқитувчининг ўзи Улуғ Ватан уруши йилларида фронтнинг олдинги чизигида бўлган, кўрсатган жасоратлари учун «Қизил Юлдуз» ордени ва бир қатор медаллар билан мукофотланган. Шунинг учун дарсларини жонли ва қизиқарли ўтказади. Мактаб битирувчиларининг сўнгги кўнгироқ олдидан бўлиб ўтган тарих дарси, айниқса, маъроқли бўлди. Ветеран ўқитувчи жангу-жадалларда совет халқи кўрсатган мисли сиз жасорат ҳақида яна бир марта ҳикоя қилиб берди.

З. БЕКПЎЛАТОВА,
Оққўрғон райони.

ГАЗЕТХОНЛАР ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БОЛАЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Р. Мусамуҳамедов номли совхоз-завод ишчиларининг фарзандлари халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида ажойиб совға олдилар. «Ўзплодоовощпром» трестининг 6-хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармаси бинокорлари янги болалар боғчасини қуриб, фойдаланишга топширдилар. Икки қаватли боғчада кичкинтойларнинг тарбияланишлари учун барча шароитлар яратилган. Шуниси қувончлики, 140 кичкинтойнинг барчаси совхоз-завод ҳисобига тарбияланмоқда.

Ш. ТАЛАЕВ,
Оржоникидзе райони.

МЕҲНАТКАШЛАР МАМНУН

Марказда «Зангори экран» телеустахонаси фойдаланишга топширилди. Икки қаватли устахонада ўн нафар телемеханик район меҳнаткашларининг телевизор ва радиоприёмникларини ўз вақтида тез ва соз ремонтдан чиқармоқдалар. Меҳнаткашлар, айниқса, Т. Мирсоатов, Х. Файзуллаев, Ў. Азаматов каби ўз касбининг усталари хизматидан мамнун бўлишмоқда.

А. МАЛЛАХЎЖАЕВ,
Пискент райони.

ЯНГИ УНИВЕРМАГ

«Правда» колхозининг марказий участкасида икки қаватли муҳташам бино қад кўтарди. Унинг пештоқига «Универмаг» деган сўз ёзиб қўйилган. Айни кунларда янги магазин харидорлар билан гавжум. Яхши жиҳозланган савдо шахобчасининг ходимлари колхозчиларга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

А. ШАХАНОВ,
Коммунистик райони.

Шунингдек, редакциямизга газетхонлардан В. Муромцев, Л. Яковишин, З. Исроилов, М. Норматов, (Ангрен шаҳри), М. Абдуллаев, И. Саримсоқов (Тошкент райони), А. Раҳимбердиев (Бўстонлиқ райони), Ш. Умаров, Б. Аксанич (Тошкент шаҳри), Н. Сайтметов (Коммунистик райони), Х. Отақулов (Ленинобод области), К. Ёров (Оҳангарон райони), Н. Люманова (Қалинин райони), А. Саркисян (Янгийўл райони) ўртоқлар ҳам турли мавзуларда хат-хабарлар йўллашган.

Спорт

ФАРҚ—ЯРИМ ОЧКО

Югославияда шахмат бўйича ўтказилаётган халқаро турнирда жаҳон чемпиони Анатолий Карпов иккинчи ғалабани қўлга киритди. Бу сафар у 34-юришда ватандоши, жаҳоннинг собиқ чемпиони Михаил Тални енгди.

Б. Ларсен 5,5 очко тўплаб пешқадамлик қилмоқда. А. Карпов ҳисобида 5 очко бор.

Л. Полугаевский 8 турда 4 очко тўплади ва битта ўйинини кечиктирди. Таль ҳисобида 3,5 очко бор.

ТИНЧЛИК ПОЙГАСИ

Жаҳоннинг энг кучли велопойгачилари кеча Чехословакия йўллари бўйлаб бахслашдилар.

Галле билан Карл Маркс штат оралиғидаги 149 километрлик 9-босқичда маррага биринчи бўлиб киришган Жон Херети келди. Голландиялик Т. Ногеворст ва польшалик Т. Войтаслар иккинчи — учинчи бўлдилар. Орадан 6 секунд ўтгач, асосий группа финиш чизиғини босиб ўтди. Улар орасида совет пойгачилари ҳам бор эди.

9 босқичдан сўнг шахсий ҳисобда ГДР вакили О. Людвиг пешқадамлик қилмоқда. Совет спортчиси Ю. Барнов, унга 28 секунд ютқазиб турибди. Республикамиз вакили Шоҳид Загриддинов эса шахсий ҳисобда 10 ўринда бормоқда. Команда ҳисобида ГДР велосипедчилари биринчи ўринни эгаллаб турибдилар. СССР терма командаси 2 минут 32 секунд орқада қолмоқда. Чехословакия командаси учинчи ўринда.

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лигаси олтинчи зонаси қатнашчилари навбатдаги тур ўйинларини ўтказдилар. Жадвални бошқариб бораётган Фарғонанинг «Нефтяник» команда си бу турда дам олди. Самарқандиинг «Динамо» коллективи сафарда «Янгиер» билан учрашиб, 1:0 ҳисобида ғолиб келди ва 18 очко билан пешқадамликни қўлга олди. Самарқандликларга ғалаба келтирган ягона тўпни Хрулов киритди. 17 очко тўплаган фарғоналиклар иккинчи ўринга тушиб қолишди. Ҳар иккала команда 11 тадан ўйин ўтказди.

Хоразм футболчилари «Зарафшон» командаси билан 1:1 ҳисобида ўйнаган бўлсалар, Тошкентнинг «Старт» командаси Шаҳрисабзнинг «Ҳисор» коллективини 2:1 ҳисобида енгди.

Янгийўлнинг «Соҳибкор» футболчилари ўз майдонларида Қаршининг «Қаршистрой» футболчиларини қабул қилдилар ва 1:0 ҳисобида устун келишди. Шу турнинг қолган ўйинлари қуйидагича тугади. «Шаҳрихончи» — Наримонов номли колхоз командаси — 3:1, «Пахтачи» — «Бухоро» — 0:0, «Пахтакор» — «Амударё» — 2:0, «Ёшлик» — «Автомобилист» — 1:2.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ДИПЛОМ МУБОРАК

Қизлар дарров Моҳира Шодмонҳўжаевани даврага олишди. Қўлидаги дипломга ҳавас билан боқишди. Моҳира ишлаб чиқаришда эришган юксак муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланган эди.

Моҳира кўп йиллардан бери Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхози фермасида фидокорона меҳнат қилиб келяпти. Ҳозир у комсомол-ёшлар бригадаси раҳбари, бригада қизлари бузоқларини меҳр билан парвариш қилмоқдалар. Ўтган йили улар сигирлардан 410 та бузоқ олишга сўз берган эдилар. Бу топшириқ шараф билан бажарилди. Плондан ташқари 27 та бузоқ олинди.

Дипломли чорвадор шу кунларда яна ҳам ғайрат кўрсатиб ишлаяпти.

ЎҚУВЧИЛАРГА СОВҒА

Янги ўқув йилида областимиз шаҳар ва районларида қурилаётган яна бир қатор мактаблар фойдаланишга топширилади. Ҳозирги кунда жами 18 минг ўринли мактаб бинолари қурилмоқда. Биргина Бўстонлиқ районида учта мактаб биноси қад кўтаряпти. Район марказида буиёд этилаётган 1176 ўринли мактаб қурилиши айниқса тез суръатлар билан бораяпти. Бу ерда ўқувчиларнинг билим олишлари ва жисмоний жиҳатдан чиниқишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинмоқда.

Чирчиқ шаҳрида эса 1568 ўринли мактаб қурилмоқда. Ҳозир пардозлаш ишлари қизғин давом этяпти. Мактабда катта спорт зали, ошхона, турли хил кабинетлар бўлади. Уларда ўқувчилар амалий машғулотлар ўтказишади.

Областимизнинг бошқа жойларида қурилаётган мактабларда ҳам қурувчилар сўнгги ишларни бажармоқдалар. Ғалаба районида 2100 ўринли учта мактаб янги ўқув йилида ўқувчиларни ўз бағрига олади. Ўрта Чирчиқ, Коммунистик районларида ҳам янги билим кошоналари яратилмоқда.

Бундан ташқари мавжуд мактабларда қўшимча синф хоналари қурилиши ҳам тез суръатлар билан давом этмоқда. Шу усулда қўшимча 2 минг ўқувчи ўқийдиган хоналар ташкил қилиняпти.

РЕПОРТАЖ

ҚУВНОҚ ЁШЛИК ТАРОНАЛАРИ

Яқинда «Юбилейный» спорт саройи биносида мактаблар, район ва шаҳарлардаги пионерлар саройи, мусиқа билим юртлари ҳаваскорлари, етакчи хор ва вокал-чолғу ҳамда рақс ансамбларининг анъанавий «Қўшиқ байрами» республика III конкурсининг якунловчи концерти бўлиб ўтди.

«Бахтиёр ёшлигимиз учун Ленин партиясига раҳмат!» шиори остида ўтказилган ушбу қўшиқ байрамини Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги ташкил этди: Карнай-сурнай, ноғораю дорилар садоси остида кенг залга йиғилган серқуёш республикамизнинг дилбар ўғил-қизларини ушбу байрам муносабати билан республика маориф министрининг ўринбосари И. С. Мўминов муборакбод этди:

— Бугун биз бу ерга жуда катта қувончли ва ёркин байрамни нишонлашга йиғилдик,— деди у.— «Қўшиқ байрами»га республикамизнинг миллионлаб ўқувчи ёшлари ва ижодий коллективлари яхши тайёргарлик кўриб келдилар. Район, шаҳар ва область мактабларида ташқари болалар муассасаларининг 2,5 миллиондан ортиқ ихлосманд ёшлари ушбу конкурсда актив қатнашди.

70 дан ортиқ энг яхши коллективларнинг 4,5 мингдан зиёд иштирокчилари, мактабгача тарбия муассасаларининг кенжатойлари бугун ушбу залга тўпланишган.

Дастлаб, спорт саройига йиғилган барча коллективлар бирликда А. Пўлатнинг «Ленинни куйлайман» шеърига композитор Ш. Рамазонов басталаган қўшиқни дирижёр Хуршид Воҳидов бошчилигида зўр маҳорат билан ижро этдилар.

Шундан сўнг томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинган Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Бахтиёр ёшлик» халқ рақс ансамбли, республика «Санъат байрами» конкурсининг лауреатлари, В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилари саройи қошида ташкил этилган «Камалак» ҳамда «Навбаҳор» рақс ансамбларининг чиқиши зўр қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимизга танилган «Пахтаой» вокал-чолғу ансамбли сингари тобора камол топаётган яна бир жажжи ансамбль шу куни кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлди. В. И. Ленин номидаги республика пионер ва ўқувчилар саройи қошида ташкил этилиб «Гунча» деб номланган ушбу вокал-чолғу ансамблга Вячеслав Матвеев раҳбарлик қилмоқда. Бу ёш коллектив аъзолари конкурсга Раним Фарҳодийнинг «Бозордаги масҳарабоз» шеърига басталанган янги қўшиқни тайёрлаб келишган. Ансамбль аъзолари ўз маҳоратларини ёрқин намойиш қилдилар.

Шу куни ижро этилган қўшиқларнинг аксарият қисми «Қўшиқ байрами»да илк бор янгради ва ўз мухлислари қалбига йўл топа бошлади.

Болалар хори ҳақида гап кетганда албатта VI республика «Санъат байрами» конкурсининг лауреатлари бўлган Тошкент шаҳар, Киров район пионерлар уйи қошидаги 9-ўрта мактаб ҳамда Октябрь район пионерлар уйининг 41-мактаб хор коллективининг чиқишларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Шу куни улар ижросида «Дўстлик фестивали» қўшиғи янгради. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Ш. Ерматов раҳбарлиқ қилаётган В. И. Ленин номли пионерлар саройидаги «Бойчечак» хор студияси ҳамда Глиэр номли музика мактаб-интернат хор коллективларининг чиқишлари ҳам зўр қизиқиш билан тингланди.

«Қўшиқ байрами»га областимиз вакиллари ҳам жиддий тайёргарлик кўриб, конкурсга янги қўшиқ ва рақс тайёрлаб келишган. Тошкент областидан Бекобод шаҳар пионер ва ўқувчилар уйининг хор коллективи ҳамда «Пахтаой» рақс ансамбли иштирок этди.

Шу куни бекободликлар ижросида «Болалик — бу мен ва сен» деган қўшиқни янгради. Бир маромда юксак маҳорат билан ижро этилган бу қўшиқ барчанинг олқишига сазовор бўлди. Болалар хорига 15 йилдан бери Бекобод шаҳар пионер ва ўқувчилар уйида ижод қилиб келаётган Анна Алексеевна Ковтун раҳбарлик қилмоқда.

— Мен ушбу болалар хори билан тўрт йилдан бери шуғулланиб келаман,—дейди у. 4-, 7-синф ўқувчиларидан ташкил топган 100 дан ортиқ ўғил болаларни бирлаштирган хор коллективимиз йилдан йилга яхши натижаларга эришмоқда. Биз ҳар йили ўтказиб келинадиган анъанавий «Санъат байрами» республика кўрик-конкурсида иштирок этамиз. Ўтган йили I даражали диплом билан тақдирланган эдик, бу йил эса II даражали диплом олиб, лауреат бўлдик.

Областимизнинг иккинчи бир вакили «Пахтаой» рақс ансамбли ҳақида ҳам ана шундай илиқ гаплар айтиш мумкин.

Турли саналарга бағишлаб ўтказиладиган байрам концертларида кичкинтойларнинг чиқиши ҳар сафар кишида алоҳида завқ уйғотади ва беихтиёр ўзига ром этади. Октябрь районидаги 140-болалар боғчасининг тарбиячиларчиси, шу куни байрамнинг энг кичик иштирокчиси бўлмиш икки ярим ёшли Гулноза Дўстқорасва ҳамда бошқа тарбияланувчилар ижросида Зафар Диёрнинг «Капалак» шеърига композитор Мутал Бурхонов басталаган янги қўшиқ янграганда бамисоли бутун зал жонланиб кетди.

Ҳақиқий байрамона тусда ўтган республика III «Қўшиқ байрами»нинг якунловчи концерти шу билан ниҳоясига етди. Ёш қалблар ижросида янграган ҳар бир қўшиқда бахтиёр ёшлик, Ватан меҳри, доҳиймиз Ленинга чексиз ҳурмат туйғулари жўшиб турарди.

Якунловчи концерт қатнашчиларини республика маориф министри Саид Шермуҳамедов чин дилдан қутлаб уларнинг келгуси ишларига бундан ҳам улкан зафарлар тилади.

М. МИРАЛИЕВ.

Суратда: «Гунча» вокал-чолғу ансамблининг қатнашчилари ижросида дилрабо қўшиқ янграмоқда.

А. Чаплигина фотоси.



РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ОСИЕ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ VI ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИГА БАҒИШЛАНГАН

КАТТА ЦИРК ТАМОШАЛАРИ

(2 бўлимда)

ПРОГРАММАДА:

«ҚЎЗГА ҚЎРИНМАС ОДАМ»
ФАНТАСТИК-САРГУЗАШТЛИ АТТРАКЦИОНИ.

«ЖАВОҲИРЛИ ТИЛЛА ТАЁҚЧА»

халқаро мукофотнинг эгаси, халқаро сеҳргарлар академиясининг профессори, Бутуниттифоқ кўригининг лауреати, РСФСРда хизмат кўрсатган артист

ОТАР РАТИАНИ

Аджаристон АССРда хизмат кўрсатган артист Тенгиз САНХАРАДЗЕ раҳбарлигидаги акробатик ансамбль иштирокида

ҚЎТОСЛАРНИНГ ОРИГИНАЛ НОМЕРЛАРИ.

Юрий ЧОМОХИДЗЕ раҳбарлигидаги

«ГРУЗИЯ ЙИГИТЛАРИ»

Ленинград циркининг таниқли масхарабози, РСФСР халқ артисти Борис ВЯТКИН донмо манежда.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари соат 12.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Коллектив бўлиб келиш учун 44-35-84, 44-35-91 телефон номерлари бўйича заявкалар қабул қилинади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Тинч оқар Дон. Бадиий фильм, 2-серия. 11.55 — Горнчилар, қаердасиз! 12.25 — Халқаро конкурслар лауреати А. Дмитриев чалади. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.25 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбат. 16.55 — Шахмат мактаби. 17.25 — Москва комсомолининг ишлари. 17.55 — Концерт. 18.20—Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Тинч оқар Дон. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 —Халқаро Олимпиада спортлотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ПРОГРАММАЛАРИ ПРОГРАММАСИ

I.

11.30 — Мультфильм. 11.45 — Фильм-концерт. 12.15 — Тенгдошларинг ижоди. 12.35 — Улар Ватан учун жанг қилдилар. Бадиий фильм, 1-серия. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 —Турмуш ва маданият. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30—Ахборот. 20.50 — Газал оқшоми. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VI Тошкент халқаро кинофестивали.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25— Ҳужжатли фильмлар. 20.45— Ишлаб чиқариш ва хўжалик ҳисоби. 21.10 —Назарий механика. 22.10— Ўқитувчи экрани. 22.40 —Келажакка одимлаб. Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 22/V да Истеҳком, 23/V да Келинлар қўзголони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/V да Олифта, 23/V да Қизил дуррали нозик нигоҳлим.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «ҚЎЗГА ҚУРИНМАС ОДАМ» аттракционининг гастроллари (19.30).

ДОИМИЙ ИШГА

омбор мудири, тарбиячи, машинистка, курьер, автоматик телефон станциясини координациялаш бўйича алоқа техниги, созловчи-слесарь, автопогрузиқ ҳандовчиси, аккумуляторларни созловчилар, газ пайвандчи, автомоторист, контролёрлар, ёрдамчи ишчилар, фаррошлар, қоровуллар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй, кадрлар бўлими.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750.

БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳар бий ватанпарварлик —325733; Фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02007 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64633. Б. 1610. 11 1